

БАНК АЖБОРОТНОМАНИ

Банк ходимлари ва тадбиркорларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 48 (1123), 2017 йил 30 ноябрь

АНЖУМАН

Иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишда банк-молия тизимининг самарали иштироки

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси томонидан O'zLiDeP Сийсий Кенгаши ижроия қўмитаси ва Тошкент молия институти билан ҳамкорликда «Ўзбекистон иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишда банк-молия тизимининг самарали таъсирини кучайтириш» мавзuida халқаро илмий-амалий конференция ташкил қилинди.



Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзолари, партия фаоллари, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ва Тошкент молия институти профессор-ўқитувчилари ҳамда изланув-

чилари, қатор вазирлик ва идоралар, шунингдек, Япония молия вазирлиги қошидаги Сийсий тадқиқотлар институти, хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари вакиллари, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорация-

си, Ислом тараққиёт банки, «Джи Пи Морган Чэйз» банки, «Ландесбанк Баден-Вюртемберг» (Германия) банкларининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ходимлари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

ҚАРОР ИЖРОСИ АМАЛДА

Тижорат банкларидан кам таъминланган оилалар учун имтиёзли кредитлар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 октябрдаги 857-сонли қарори билан тасдиқланган «Кам таъминланган оилаларни бандлик билан таъминлаш учун тижорат банклари томонидан микрокредитлар ажратиш тўғрисида»ги низомига асосан тижорат банклари муайян меҳнат тури билан шуғулланиш истагида бўлган кам таъминланган оилаларнинг вояга етган аъзосига имтиёзли микрокредитлар ажратишни бошлади.

Микрокредит олиш истагида бўлган кам таъминланган оилалар рўйхати Ўзбекистон Қасаб-аушмалари Федерацияси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, шунингдек, тижорат банкларининг масъул ходимларидан ташкил топган Ишчи гуруҳ томонидан шакллантирилиб, ушбу рўйхат асосида микросармоялар ажратилмоқда.

Микрокредитлар қарз олувчиларга қуйидаги мақсадларда фойдаланиш учун берилади:

– тикув машиналари, матолар ва бошқа сарфлаш материаллари, косибчилик фаолияти учун

инвентарлар, маиший, компьютер ва бошқа техникалар, шунингдек, меҳнат билан бандлиқни таъминловчи бошқа асбоб-ускуналар харид қилиш;

– шахсий томорқа участкаларини ривожлантириш (кичик иссиқхоналар барпо этиш, чорва моллари, парранда сотиб олиш, оғилхона ва товухона қуриш, боғдорчилик инвентарлари ва асбоблари харид қилиш).

Микрокредитлар энг кам иш ҳақининг 100 баравари (2017 йил 1 декабрдан бўлган даврда 14 977 500 сўм) миқдоригача йиллик 4 фоиз ставкада, 6 ойлик имтиёзли давр билан 3 йилгача бўлган муддатга берилади.

(Давоми 12-бетда).

УШБУ СОНДА:

ЎЗР МБнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қарор ва низоми. 3-7-бетлар.

Тадбиркорлик

Банк тизимида ёш қизларнинг тадбиркорлик ташаббуслари қўллаб-қувватланмоқда 10-бет.



IT технологиялар

Биржада электрон савдолар авжида 14-бет.



Ўзбекистон – Корея: савдо-иқтисодий ва сармоявий келишувлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига давлат ташрифи мобайнида ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техникавий ва бошқа соҳаларга оид умумий қиймати 10 млрд. АҚШ долларидан ортиқ 60 дан зиёд ҳужжат имзоланди.

Шундан 4,5 млрд. доллари тўғридан-тўғри инвестициялардир. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги матбуот хизмати хабар берди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги ва Корея Республикаси Савдо, саноат ва энергетика вазирлиги томонидан эркин савдо зонаси яратиш имконияти муҳокама қилинди ва икки давлат бозорларига имтиёзли киришни таъминлашнинг зарурлиги буйича принципиал келишувлар амалга оширилди.

(Давоми 11-бетда).

ТИФ Миллий банки: навбатдаги муҳим меморандум

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Корея «Эксимбанки» билан 150 млн. АҚШ доллариллик заём келишувини имзолади.

Келишув Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига давлат ташрифи доирасида амалга оширилиб, у билан кичик бизнес лойиҳаларини, шунингдек, Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган ускуналар,

товарлар ва хизматлар харид қилишни назарда тутувчи инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун револьверли кредит линиясини тақдим этиш назарда тутилган.

(Давоми 11-бетда).

Банкнинг молиялаштириш имконияти кенгаймоқда

Иқтисодиётнинг йирик тармоқларига доир лойиҳаларни молиялаштиришда доим етакчи бўлиб келган «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик тижорат банкининг молиявий манбалари ҳукуватимиз раҳбарияти кўмагида янада шакллантирилмоқда.

Хусусан, Президентимизнинг жорий йил 21 ноябрда Корея Республикасига амалга оширган давлат ташрифида мазкур муассаса ва Корея «Эксимбанки» ўртасида тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида қаратилган асосий банкларо битимни 10 млн. АҚШ долларидан 30 млн. долларгача оширишни кўзда тутувчи келишув имзоланди.

(Давоми 8-бетда).

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишда банк-молия тизимининг самарали иштироки



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ректори в.в.б. Адҳам Бекмуродов, O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши ижроия кўмитаси раиси Бахтиёр Якубов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси раиси Адҳам Шодмонов, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси ўринбосари Ботир Захидов сўзга чиқиб, Президентимиз ташаббуси билан татбиқ этилаётган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлаш ва унинг самарадорлигини ошириш учун банк-молия тизимида амалга оширилиши лозим бўлган ислохотларнинг янги босқичини бошлаб бергани билан алоҳида аҳамиятли эканини таъкидлаб ўтдилар. Хусусан, банк тизими учун долзарб масалалар – валюта сийсатини либераллаштириш, валюта бозорини халқаро талаблар ва андозаларга мослаштириш, валюта барқарорлигини мустаҳкамлаш, унга эришишда монетар сийсат инструментларининг ролини кенгайтириш, банк тизимини бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда ислох этиш, банк хизматларининг инновацион турларини жорий этиш ва уларнинг сифатини ошириш юзасидан олиб борилаётган амалий саъй-ҳаракатлар бугун ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Мазкур вазифалар O'zLiDeP фаолиятида ҳам устувор аҳамиятга эга бўлиб, тижорат банкларининг инвестициявий имкониятларини мустаҳкамлаш, уларнинг инвестицион лойиҳалар учун сармоя киритишларига бўлган қизиқишни кучайтиришнинг таъсирчан механизмларини амалиётга жорий этиш партия дастурида алоҳида ўрин эгаллаган.

Этиборлиси шундаки, бундай долзарб масалалар юзасидан асосланган таклифлар ишлаб чиқишда нафақат мамлакатимиздаги етакчи илмий ва таҳлилий марказлар, балки хорижлик мутахассислар ҳам жалб этилаётгани бу борадаги чора-тадбирлар самарадорлигини таъминламоқда.

Илмий маъруза ва амалий машгулотлар тарзида ўтказилган тадбирда конференция иштирокчилари томонидан валюта сийсатини либераллаштиришнинг миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишдаги роли, иқтисодиётни либераллаштириш шароитида давлат молия тизимини янада такомиллаштиришнинг устувор масалалари, мамлакатда иқтисодий ўсишни солиқлар орқали рағбатлантиришнинг замонавий механизми ва тенденциялари, инвестицион муҳит жозибadorлигини ошириш ва хорижий инвестицияларни кенг жалб этишнинг муҳим йўналишлари, Ўзбекистонда молия инфратузилмасини модернизациялаш ва ривожлантириш масалалари, банкларнинг барқарорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик масалалари кенг муҳокама этилди.

Конференцияда иштирок этган экспертларнинг фикрича, сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган ислохотлар, шу жумладан, банк-молия тизимидаги ўзгаришлар ҳамда Ўзбекистонда яратилган қулай инвестициявий ва инновацион ишбилармонлик муҳити макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий мутаносибликни таъминлаб келмоқда. Жумладан, 2017 йилнинг 9 ойлик натижаларига кўра, ташқи савдо фаолиятининг босқичма-босқич эркинлаштирилиши ҳамда миллий валюта реал алмашинув курсининг рағбатлантирувчи динамикага эга бўлиши мамлакатга экспорт орқали қиравётган валюта тушумлари ҳажмининг сезилар-

ли ўсишига олиб келди. Бу ўз навбатида, реал сектордаги иқтисодий фаолликни кўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Шу билан бирга, банк тизимининг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 июнда қабул қилинган «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва капиталлашуви даражасини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори банкларнинг инвестицион жараёнлардаги фаол иштирокини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Маълумотларга эътибор берадиган бўлсак, иқтисодиётда кузатилаётган ўзгаришлар доирасида 2017 йилнинг 10 ой давомида экспортдан валюта тушумлари ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 20 фоиздан зиёдга ўсди ҳамда мамлакатимиз олтин-валюта захиралари ҳажми сентябрь-октябрь ойларининг ўзидан 754 млн. АҚШ долларига 26 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди. Умуман олганда, валюта бозорини либераллаштиришдан сўнг ички валюта бозоридagi операцияларнинг ўртача ойлик ҳажми сезиларли даражада ўсди.

Конференция иштирокчиларининг қайд этишича, юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар БМТ, Европа Иттифоқи, Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди каби нуфузли ташкилотларнинг ҳисоботларида юксак баҳолаб келинмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи ҳамда хорижий хусусий сармоядорлар, йирик трансмиллий компаниялар, халқаро молия институтларининг Ўзбекистонга бўлган ишончи ва қизиқиши янада ортмоқда.

Тадбир якунида кўтарилган масалалар юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқилиб, тегишли вазирлик ва идораларга йўлланиши келишиб олинди.

Бекзод АКРОМОВ.

БАНКЛАРДАН ХАБАРЛАР

КОНВЕРСИОН КАРТАЛАР АСОСИДА ОНЛАЙН ТЎЛОВЛАР

Бугунги кунда валюта бозорини либераллаштириш жараёнида аҳолига янада қулайликлар яратиш мақсадида республикамиз тижорат банклари турли янги хизматларни жорий қилмоқда.

Айни пайтда банклар мижозларини, хусусан, товар ва хизматларни интернет орқали харид қилувчи фуқароларни конверсион пластик карталар фаолиятининг йўлга қўйилганлиги хушнуд этмоқда.

Яқинда бундай имконият «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки томонидан ҳам яратилди.

Бунда ҳисобни тўлдириш сўм пластик карта ёки нақд пул асосида миллий валютада амалга оширилади.

Ҳозирда банкнинг 39 та филиалида конверсион операциялар бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. У ерда хорижий валютани харид қилиш истагида бўлган жисмоний шахсларга пул маблағлари уларнинг «Visa» халқаро пластик картасига ўтказиб берилмоқда.

Шунингдек, банкда конверсион карталаро пул ўтказмалари хизмати ҳам жорий этилди. Бунда хизматнинг битта талаби – маблағ ўтказувчи ҳам, қабул қилувчи ҳам «Қишлоқ қурилиш банк» конверсион картаси эгалари бўлиши лозим.

Таъкидлаш жоиз, конверсион карталар муомаласи ва улар асосидаги хизматлар бошқа қатор тижорат банкларида ҳам босқичма-босқич жорий этиб келинмоқда. Айни пайтда бу ҳақда «Агробанк» АТБ, АТ «Алоқабанк», «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ, «Капиталбанк» АТБ, «UTBANK» АЖ каби муассасаларнинг ўз расмий сайтларида хабар берилган.


«ИПАК ЙЎЛИ» АИТБ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФГА САЗОВОР

«Visa International» халқаро тўлов компанияси «Ипак йўли» акциядорлик инновация тижорат банкни «Visa» пластик картаси бўйича «Ўзбекистондаги энг яхши эмитент» сифатида эътироф этди.

Тақдирлаш маросимида мамлакатимизда «Visa» пластик карталарининг оммалашувига муносиб ҳисса қўшган «Ипак йўли» банкининг энг яхши филиаллари ҳамда ходимлари «Visa International» мукофотлари билан рағбатлантирилди.

Тадбирда банкка мазкур муваффақиятни қўлга киритишга салмоқли ҳисса қўшган таниқли ўзбек хонандаси Севара Назархон ҳам иштирок этди.

«КАПИТАЛБАНК»ДАН «CASHBACK»



«Cashback» ўзи нима? Бу – ҳар бир харид қийматининг бир қисмини қайтариб беришдир.

Яъни ушбу хизмат турли мазмундаги балл ёки бонуслардан фарқли равишда мижозларга ҳар бир харидидан 30 фоизгача бўлган пул маблағларини қайтариб беришликни назарда тутди.

«Капиталбанк» акциядорлик тижорат банкида мазкур хизмат жорий қилинди.

Эндиликда банк сўм пластик карталари эгалари бўлган мижозларини товар ва хизматлар хариди билан шугулланувчи ҳамкорларига йўналтиради.

Бунда савдо ва хизмат кўрсатиш фаолиятидаги корхоналар ҳар бир амалга оширилган тўловнинг бир қисмини банкка қайтаради. Банк эса, ўз навбатида, қабул қилинган пул маблағларини мижозлар картасига ўтказиб беради.

Назира МАВЛОНОВА тайёрлади.

бирга фаолият юритиши таққилланади.
87. Конверсион бўлим ва валюта айирбошлаш шохбаси ходимларини ишга олиш, уларни ротация қилиш ва малакасини ошириб бориш тижорат банклари томонидан мустақил равишда ишлаб чиқилган ички хужжат асосида тўғрига солинади.

88. Шохбачада пул маблағларининг кам ва ортиқ эканлиги, шунингдек, бошқа қондабузарликлар аниқланган тақдирда, хизмат текширувдан кейин банк томонидан материаллар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилади.

14-Боб. Яқуний қондалар

89. Валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш вақтида мунтазам равишда қамчиликларга йўл қўйиш ҳолатлари аниқланганда, Марказий банк тижорат банкларининг валюта операцияларини амалга оширишини вақтинчалик тўхтатиб қўйишга аҳақли.

90. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Жаъвал шаклидаги шловалар хужжатнинг асл нусхасида маъжуд.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ

ҚАРОРИ

«Банкларнинг оддий векселлари ва депозит сертификатлари бланкаларини йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартришлар киритиш ҳақида»

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2017 йил 16 ноябрь куни 1477-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (руйхат рақами 1477, 2005 йил 30 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 22-сон, 163-модда) билан тасдиқланган Банкларнинг оддий векселлари ва депозит сертификатлари бланкаларини йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги Низомга иловага мувофиқ ўзгартришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

М.НУРМУРАТОВ

*Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқаруви
2017 йил 28 октябрдаги 29/3-сонли қарорига
ИЛОВА*

Банкларнинг оддий векселлари ва депозит сертификатлари бланкаларини йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги Низомга киритилаётган ўзгартришлар

1. 11-банднинг «а» кичик банди қуйидаги тахрирда дан қўзғатилган жинойи ишларига қўшиб қўйилган бўлса».

«а) агар қимматли қозғалар бланкалари прократура, тергов, суриштирув ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар томонидан қўзғатилган жинойи ишларига қўшиб қўйилган бўлса».

Хужжатларнинг электрон кўринишини www.finance.uz сайтидан олишнинг мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

«Ваконатли банкларда жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2017 йил 6 ноябрь куни 2437-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги 5177-сонли «Валюта сиёсатини либераллаштириш буйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилинсин:
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 16 февралдаги 4/7-сонли «Ваконатли банкларда жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (руйхат рақами 2437-1, 2013 йил 31 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 1-сон, 12-модда).

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Ўзбекистон Республикаси

Марказий банки раиси

Тошкент ш.

2017 йил 23 сентябрь, 26/17-сон

М.НУРМУРАТОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

«Ваконатли банкларнинг конверсион операциялар бўлими ҳамда айирбошлаш шохбаси ходимларига қўйиладиган малакавий талаблар, уларни ишга қабул қилиш ва ротацияси регламентини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартриш ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2017 йил 6 ноябрь куни 2415-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги 5177-сонли «Валюта сиёсатини либераллаштириш буйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилинсин:
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 24 январдаги 2/2-сонли «Ваконатли банкларнинг конверсион операциялар бўлими ҳамда айирбошлаш шохбаси ходимларига қўйиладиган малакавий талаблар, уларни ишга қабул қилиш ва ротацияси регламентини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (руйхат рақами 2415-1, 2013 йил 31 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 1-сон, 11-модда).

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Ўзбекистон Республикаси

Марказий банки раиси

Тошкент ш.

2017 йил 23 сентябрь, 26/18-сон

М.НУРМУРАТОВ

**Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш
операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги**

НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2017 йил 6 ноябрь кунги
2944-сон билан давлат рўхсатидан ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисидаги», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги» ва «Валюта тартибга солиш тўғрисидаги» Қонуни ва «Валюта тартибга солиш тўғрисидаги» Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги 5177-сонли «Валюта сив-сатини либераллаштириш бўйича биринчи нав-батдаги чора-тадбирлар тўғрисидаги» Фармонига

Ўзбекистон Республикаси

Марказий банки раиси

Тошкент ш.

2017 йил 23 сентябрь, 26/16-сон

**Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини
амалга ошириш тартиби тўғрисидаги**

НИЗОМ

Мазкур Низоми Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисидаги», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги» ва «Валюта тартибга солиш тўғрисидаги» Қону-ларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сивсатини ли-бераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тад-бирлар тўғрисидаги» 5177-сонли Фармонига мувофиқ, тижорат банкларида жисмоний шахслар, шу жум-ладан, юридик шахс макomini олмасдан фаолият кўрсатган яққа тартибдаги тадбиркорлар билан ва-люта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартибини белгилайди.

1-Боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомида қуйидаги асосий тушунчалар-дан фойдаланилади:

конверсион операциялар бўлими (бундан бу-ён матнда конверсион бўлими деб юритилади) – ти-жорат банкнинг Ўзбекистон Республикасининг ре-зидентлари бўлган жисмоний шахслар (бундан буён матнда жисмоний шахслар деб юритилади) ва яққа тартибдаги тадбиркорларга чет эл валютасини нақд пулсиз шаклда валюта айирбошлаш операциялари-ни амалга ошириш хизматларини кўрсатиш учун ту-зилган тартибий тузилмас;

валюта айирбошлаш шохбачаси – жисмоний шахслардан нақд ва халқаро пуллар карталарида-ги чет эл валютасини нақд миқлиий валютага айир-

мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ҚАРОР қилади.

1. Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга оши-риш тартиби тўғрисидаги низомига иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

М.НУРМУРАТОВ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Бошқаруви қилинган 2017 йил 23 сентябрдаги
26/16-сонли қарорига
ИЛОВА

Бошлаш ҳамда қонун ҳужжатларида мувофиқ жисмо-ний шахслар – Ўзбекистон Республикасининг норе-зидентлари нақд чет эл валютасини сотиш опера-цияларини амалга оширувчи турғун шохбача;

шахсни тасдиқловчи ҳужжат – паспорт, Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёки Ўзбекистон Республикаси харбий хизматчилари учун харбий билет;

яққа тартибдаги тадбиркор – юридик шахс макomini олмасдан фаолият кўрсатган яққа тар-тибдаги тадбиркор (бундан буён матнда ЯТТ деб юритилади);

кунлик ҳужжатлар – операция қонун давомида расмийлаштирилган валюта айирбошлаш операця-лари хисобини юритиш ҳужжатлари;

операцион кун – жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш учун тижорат банки томонидан белгилан-ган вақт.

банк картаси – тижорат банки томонидан эмиссия қилинган, персонализацияланган, пуллар воситаси сифатида ишлатилган ва ўз сактовчисига банк хисобавартидаги маълумоти ва/ёки банк томонидан рухсат берилган маълумотлар доирасида операция-ларни, жумладан, хисобаварак орқали нақд пулсиз хисоб-китобларни (пулларларни) амалга ошириш, уч-дан нақд пул маълумотларини ва банк кредитини олиш имконини беришчи пуллар картаси;

халқаро пуллар картаси – халқаро пуллар тизимлари билан келишувга асосан Ўзбекистон Республикасининг

муайян даражада касддан шикастланган (асосий расмлари, ҳуқуқсан, номинвали ўзгартирилган, ҳимоя илчалари олиб ташланган, катта ҳажмдаги ёзувлар бўлган) бўлса;

эмитент банк томонидан муомаладан чиқарилган бўлса;

банкнотлар аниқ босма хатога эга бўлган (сува белгиси ёки химоя илчаларининг йўқлиги ёки нотўғри жойлашганлиги), тасвирлари тулли босилмаган ёки сурхалиб кетган бўлса.

72. Пулларга яроқсиз пул белгилари валюта айир-бошлаш шохбачаси томонидан инкассога эмитент банкга жўнатиш учун қабул қилиниши мумкин.

73. Валюта айирбошлаш шохбачасининг назорат-чиси ва кассир ўзлари қабул қилган чет эл валюта-сининг ҳақиқийлиги ва ўлговга яроқчилиги учун жа-вобгардир.

11-Боб. Валюта айирбошлаш шохбачасида

операцион кунни яқунлаш

74. Операцион кун яқунда маълумотномалар ва реестрларнинг тегишли нусхалари асосида амал-га оширилган операциялар бўйича мазкур Низо-минг 19-иловага мувофиқ шаклдаги 09016-сонли хисобот тайёрланади.

75. Амалга оширилган операциялар тўғрисидаги хисобот, қимматликлар ва реестрлар шу куннинг ўзига инкассация хизматидадан фойдаланган ҳолда тижорат банкига олиб борилиши шарт, валюта айир-бошлаш шохбачаси тижорат банки биносида жой-лашган ҳоллардан ташқари.

Кун охирида валюта айирбошлаш шохбачасида қимматликлар қолдирилмиши таъминланади.

76. Тижорат банкга олиб бориладиган қим-матликлар бўйича кассир томонидан уч нусхада илова қайдномаси расмийлаштирилади. Қайднома кассир ва назоратчи томонидан имзоланади. Кас-сир қимматликларни, шунингдек, қайдноманинг бир нусхасини хисобот ва тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга халқатга солади ва уни таъминлайди.

77. Қимматликлар солинган халқатни олиш-дан олдин инкассатор кассирга ўзининг хизмат гувоҳнома, қимматликларни олиш ҳуқуқини бе-рувчи тегишли лимитнома ва ташриф варакасини тақдим этади. Кассир ташриф варакасининг тегиш-ли ўстунига қимматликлар топширилган вақт, хал-та рақами, топширилган қимматликлар суммаси-нинг миқлиий валютаси эквивалентини ёзиб қўяди ва уни имзолаб, инкассаторга унинг ҳужжатларини қайтареди ва қимматликлар солиб таъминланган хал-тани беради.

Инкассатор таъминлагич изининг аниқлиги, унинг намунчаларига мос келиши, шунингдек, ташриф варакасига ёзилган суммалар илова қайдномасида кўрсатилган сумма билан бир хиллигини текшириб, илова қайдномасининг кассирда қолдиган учин-чи нусхасини имзолаб, санаин ёзади ва инкассация бўлимининг (участқасининг) номи ёзилган муҳрни босади ва илова қайдномасининг иккинчи нусхаси билан бирга халқатни қабул қилиб олади.

78. Келтирилган халқатлар ва уларнинг илова қайдномалари тижорат банкнинг кеңчи қасса хо-димилари томонидан қабул қилинади ва эрталаб қас-са муҳрига таъминланади.

79. Банк бухгалтериясининг маъсул ходими-лари тақдим қилинган ҳужжатлар бўйича тузилган хисоботнинг тўғриллигини, қимматликларнинг тула-тулис топширилганлигини ва улардан туғри фой-даланилганлигини текширади, валюта айирбош-лаш шохбачасининг хисоботида киритилган опе-рацияларни банк балансида акс эттириш, шунинг-дек, мазкур валюта айирбошлаш шохбачаси кас-сир хисобидати бўнақлар суммалари юзасидан хисоб-китоб қилиш учун ордерлар тузади. Бирча ҳужжатлар ва тузилган ордерлар тижорат банк-нинг валюта айирбошлаш операцияларида маъ-сул бўлган бўлими ёки бош бухгалтери то-монидан текширилиб, кунлик ҳужжатларга тиқиб қўйилади.

80. Амалда мавжуд қимматликларни санаб, уларни саралаш, тайёрлаш ва ўраб бошлаш иш-лари билан айирбошлаш шохбачасининг касси-ри ва назоратчиси шўғулланади. Бунда айирбош-лаш шохбачаси кассир кун бошида тижорат банк-дан олган қимматликлар қолдиги, иш кун давоми-да қимматликлар билан ўтказилган операциялар-ни хисобга олган ҳолда, мазкур қимматликларнинг ҳар бир тури бўйича кун охирида амалда қолган қимматликлар миқдорига мос келишига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Қимматликлар кам ёки орტიқча эканлиги аниқланган ҳолларда кассир бу ҳақда тижорат бан-кига ёзма равишда хабар қилиши шарт. Қамомид ёки орტიқча пул чиққани тўғрисидаги хабарни кас-сир тижорат банкга шу кун бажарилган операця-лар тўғрисида хисобот билан жўнатади. Аниқланган орტიқча пуллар ёки қамомид тўғрисида икки нусха-да даволатнома тузилиб, унга кассир ва назорат-чи имзо чекади. Даволатноманинг биринчи нусхаси хисобот билан бирга тижорат банкга юборилади. Иккинчи нусхаси қимматликлар айбдор шахслардан ўн-дирилади, орტიқча маълумотлар тижорат банки даро-мадига кириб қилинади.

81. Байрам ва дам олиш кунлари ҳамда навабт би-дан кеча-кундуз ишлайдиган валюта айирбошлаш ш-охбачаларида валюта айирбошлаш операциялари маъ-скул Низоми талабларига мувофиқ амалга оширилади.

12-Боб. Валюта айирбошлаш шохбачасини ёпиш

82. Валюта айирбошлаш шохбачаси қуйидаги ҳолларда ёпилади:

тижорат банкнинг ихтиёрига қўса;

тижорат банкни валюта операцияларини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан санқиялаш қўлланганида.

83. Валюта айирбошлаш шохбачасини ёпиш тўғрисида тижорат банки раҳбари томонидан буйруқ чиқарилади ва буйруқ нусхаси уч қирилган кундан эътиборан 3 иш кун ичида тегишли ҳудудий Бош бошқармага қуатув халғат илова қилинган ҳолда

ри, номинали, чиқарилган йили, серияси ва рақами, эмитент банк ва экспертга қабул қилинган чет эл валютасининг ўзига хос бошқа хусусиятлари кўрсатилади. Экспертиза давомида чет эл валютасининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда тижорат банклари томонидан ҳақиқийлиги шубҳа туғилган нақд чет эл валюталари бошқа тижорат банклари ёки чет эл банкларига экспертизадан ўтказиш учун юборилиши мумкин. Экспертиза натижасида нақд чет эл валютаси ҳақиқий деб топилса, воситачилик ҳақи индириблиб, чет эл валютаси 09005-шаклдаги маълумотнома асосида жисмоний шахсга қайтариб бериллади.

65. Эксперт комиссияси томонидан ҳақиқий эмас деб топилган нақд чет эл валюталари эгаларига қайтариб берилмайди ва экспертиза далолатномасига оғлава қилинган ҳолда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилади. Валюта эгасига унинг талаби билан экспертиза далолатномасининг нусхаси берилиши мумкин.

66. Валюта айирбошлаш шохбчасида шикастланган чет эл валютасини шикастланмаган шу турдаги чет эл валютасига алмаштириб бериш операциялари амалга оширилиши мумкин. Бундай операциялар мазкур Низоมนинг 14-иловасига мувофиқ шаклдаги 09011-сонли реестрда расмийлаштирилади.

Энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баравари ёки ундан ошган эквивалентдаги бундай операциялар жисмоний шахслар томонидан жисмоний шахслар томонидан жисмоний шахслар томонидан паспорт тақдим қилинганда, воситачилик ҳақи индирилган ҳолда амалга оширилади. Чет эл валютаси мазкур Низоมนинг 70-бандида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда шикастланган деб топиллади.

Бундай операциялар амалга оширилганда мазкур Низоมนинг 15-иловасига мувофиқ 09012-шаклдаги маълумотнома икки нусхада расмийлаштирилади ва унинг бир нусхаси жисмоний шахсга бериллади, иккинчи нусхаси кунлик ҳужжатларга тиқиб қўйилади, операция миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баравари ёки ундан ошган тақдирда жисмоний шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати нусхаси ҳам кунлик ҳужжатларга тиқиб қўйилади.

67. Валюта айирбошлаш шохбчасида чет эл валютасини ўша чет эл валютасига майдалаб ёки йирик пул миқдорига алмаштириб бериш операциялари амалга оширилиши мумкин. Энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баравари ёки ундан ошган эквивалентдаги бундай операциялар жисмоний шахслар томонидан жисмоний шахслар томонидан паспорт тақдим қилинганда, воситачилик ҳақи индирилган ҳолда амалга оширилади.

Бундай операцияларда мазкур Низоมนинг 16-иловасига мувофиқ 09013-шаклдаги маълумотнома икки нусхада расмийлаштирилади ва 09011-сонли реестрга киритилади. Ушбу маълумотноманинг бир нусхаси жисмоний шахсга ёки норезидентга бериллади, иккинчи нусхаси эса, кунлик ҳужжатларга тиқиб қўйилади. Операция миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баравари ёки ундан ошган тақдирда,

жисмоний шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати нусхаси ёки норезидентнинг паспорт нусхаси ҳам кунлик ҳужжатларга тиқиб қўйилади.

68. Валюта айирбошлаш шохбчасида бир хорижий давлатнинг нақд валютасини бошқа хорижий давлатнинг нақд валютасига алмаштириш (конверсия) операциялари амалга оширилиши мумкин. Энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баравари ёки ундан ошган эквивалентдаги бундай операциялар жисмоний шахслар томонидан жисмоний шахслар томонидан паспорт тақдим қилинган ҳолда амалга оширилади.

69. Конверсия операциялари мазкур Низоมนинг 17-иловасига мувофиқ шаклдаги 09014-сонли «Конверсия қилинган (алмаштирилган) нақд чет эл валютасини ҳисобга олиш реестрида расмийлаштирилади». Конверсия операцияси амалга оширилганда мазкур Низоมนинг 18-иловасига мувофиқ 09015-шаклдаги маълумотнома икки нусхада расмийлаштирилади. Ушбу маълумотноманинг бир нусхаси жисмоний шахсга бериллади, иккинчи нусхаси эса, кунлик ҳужжатларга тиқиб қўйилади.

Операция миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баравари ёки ундан ошган тақдирда, жисмоний шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати нусхаси ҳам кунлик ҳужжатларга тиқиб қўйилади.

10-боб. Чет эл валютасининг тўловга

яроқдрилигини аниқлаш

70. Чет эл валютаси қуйидаги ҳолларда шикастланган ҳисобланади:

эмитент банк номи, валюта қийматининг рақамлар ва сўз билан кўрсатилиши, олд ва орқа томонининг асосий расми (сурати), шунингдек, қалбакилаштиришдан ҳимоя қилувчи элементлари (сўз белгиси, магнитли белгилар, қозога киритилган рангли топлар, жумладан, ультрабинафша нурларда кўринадиган топлар, расфетти, химоя ипплар), микроматн, нур сочувчи элемент ва бошқалар) ва бошқа асосий белгиларини сақлаб қолган бўлса, сиёқаланган ва ифлосланган бўлса;

ёпиштириб қўйилган йиртилган бурчаклари ёки қисмлари бўлса;

банкнота ёпиштириб қўйилган ва унчалик катта бўлмаган йиртиқларга эга бўлса;

майда мой доғлар ва бошқа доғлар, ёзувлар ва муҳрлар ўрни бўлганда ва улар банкнотанинг ҳақиқийлигини аниқлашга ҳалақит бермайдиган ва тўловга яроқдрилигини асосий белгилари 50 фоиздан ортгани тўсиб қўймаган бўлса;

банкноталар майда тешиқларга эга бўлганда.

71. Чет эл валютаси қуйидаги ҳолларда яроқсиз ҳисобланади:

тўловга яроқдрилиқнинг асосий белгиларини сақлаб қолмаган бўлса;

дастлабки ранги ўзгарган ёки ранги ўчган бўлса; ёнган ёки куйган ҳолда бўлса;

тўловга яроқдрилиқнинг асосий белгилари 50 фоиздан ортқ қисмига бўёқ ёки сиёҳ тўқилган бўлса; банкнотанинг кимёвий реактивлар таъсири бўлса;

тижорат банклари томонидан эмиссия қилинган чет эл валютасидаги халқаро тўлов картаси;

қимматликлар – миллий ва чет эл валюталари.

2. Чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш курслари тижорат банклари томонидан чет эл валютасига бўлган талаб ва таклифни ҳисобга олган ҳолда мустақил равишда белгиланади.

3. Операция кун давомида тижорат банки томонидан чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш курси ўзгартирилиши мумкин.

2-боб. Конверсион бўлимининг фаолиятини

ташқил қилиш

4. Конверсион бўлим тижорат банки раҳбарининг буйруғига асосан очилади. Мазкур буйруқда ходимларнинг штат бирлиги, бўлим фаолиятига раҳбарлик қилувчи ва уни назорат қилувчи мансабдор шахслар кўрсатилиши керак.

5. Конверсион бўлимининг штат бирлиги ва ходимларининг сони, бўлимининг амалга ошириладиган валюта операцияларининг ҳажмидан келиб чиқиб, банк раҳбарининг буйруғига асосан тасдиқланади.

6. Қуйидаги маълумотлар тижорат банкининг расмий веб-сайтида ҳамда конверсион бўлими жойлашган бинонинг ҳамма кўриши мумкин бўлган жойдаги стендларга ёки бошқа техник воситаларга жойлаштириш орқали имжозлар эътиборига етказилиши лозим: конверсион бўлимининг иш вақти;

чет эл валютасини сотиб олиш ва уларга сотиш тартиби;

чет эл валютасини сотиш ва сотиб олиш курслари; конверсион бўлим томонидан амалга ошириладиган операциялар турлари;

банк томонидан очилмайдиган халқаро тўлов карталарининг имкониётлари ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги маълумотлар;

халқаро тўлов картасини очганлик учун ундирилган воситачилик ҳақи миқдори.

7. Конверсион бўлим фақат тижорат банки биносида жойлаштирилади ва унда тўлов терминаллари, ҳисоблаш техникаси, тегишли дастурий таъминотга эга Банклараро ягона электрон тизимга (бундан буён матнда электрон тизим деб юритилади) уланган компьютер техникаси, телефон алоқаси, ёнмай-диган темир шкаф (сейф), зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва маълумот материаллари, ёнғин хавфсизлиги сиғнализацияси ва видеокузатув камералари бўлиши лозим.

8. Банк раҳбарининг тегишли буйруғисиз бўлим ходимлари томонидан ўзларига юклатилган вазифаларни бошқа шахсларга топшириш тақиқланади.

3-боб. Конверсион бўлимида чет эл валютасини

сотиб операциясини амалга ошириш

9. Чет эл валютасини сотиб конверсион бўлимлар томонидан халқаро тўлов карталаридан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз шаклда амалга оширилади.

10. Конверсион бўлимида кунлик нақд пулсиз шаклдаги чет эл валютасини сотиш миқдори тижорат банки раҳбарининг буйруғига асосан белгиланади.

11. Жисмоний шахс ва ЯТТ чет эл валютасини сотиб олиш учун конверсион бўлимига шахсини тасдиқловчи ҳужжати тақдим этади ва конверсион бўлим мутахассиси ҳужжатнинг нусхасини қабул қилиб олади.

12. Жисмоний шахснинг банк картаси мавжуд бўлмаган тақдирда, конверсион бўлим мутахассиси томонидан жисмоний шахсга пластик карталар бўлимига мурожаат этиб, ўз номига белгиланган тартибда банк картасини очиб таклиф этилади.

ЯТТ чет эл валютасини сотиб олиш учун пул маблағларини ўзининг тегишли ҳисобварағидан ўтказиши лозим.

13. Миллий валютадаги маблағ тижорат банкининг операция бажарилмаган кундаги чет эл валютасини сотиш курси буйича тўлов терминали орқали жисмоний шахсга тегишли банк картасидан ечиб олинадиган ва унга миллий валютадаги маблағ ечиб олинадиганлиги тўғрисидаги терминал чекининг асл нусхаси бериллади, нусхаси эса кунлик ҳужжатларга тиқиб қўйилади.

ЯТТнинг тегишли ҳисобварағидан чет эл валютасини сотиб олиш учун тижорат банкининг сотиш курси буйича пул маблағларини банкнинг тегишли ҳисобварағига келиб тушганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати чоп этилиб, кунлик ҳужжатларга тиқиб қўйилади.

14. Жисмоний шахс ёки ЯТТнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатидаги тегишли маълумотлар конверсион бўлим мутахассислари томонидан электрон тизимга киритилади. Бунда мазкур Низоมนинг 1-иловасига мувофиқ 09017-шаклдаги маълумотнома икки нусхада расмийлаштирилади. Маълумотномалар бўлим мутахассиси, тегишлича жисмоний шахс ёки ЯТТ томонидан имзоланиб, уларга мутахассиснинг шахсий ва бўлим штамплари босиллади. Маълумотноманинг бир нусхаси тегишлича жисмоний шахсга ёки ЯТТга бериллади, иккинчи нусхаси, мазкур Низоมนинг 2-иловасига мувофиқ шаклдаги 09008-сонли реестр, шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси (ЯТТнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати) қўшимча равишда гувоҳнома (нусхаси) билан бирга кунлик ҳужжатларга тиқиб қўйилади.

15. Чет эл валютаси 09017-шаклдаги маълумотнома ва миллий валютадаги терминал чеки ёки пул маблағлари тулганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжати асосида халқаро тўлов картасига ўтказиб бериллади.

16. Жисмоний шахс ёки ЯТТнинг халқаро тўлов картаси мавжуд бўлмаганда, банк ва жисмоний шахс ёки ЯТТ ўртасида чет эл валютасида банк ҳисобварағини очиб тўғрисида икки томонлама шартнома тузилади ҳамда конверсион бўлим мутахассиси томонидан шартномага асосан унинг номига чет эл валютасида банк ҳисобварағи очилади. Шартноманинг бир нусхаси жисмоний шахсга ёки ЯТТга бериллади, иккинчи нусхаси эса кунлик ҳужжатларга тиқиб қўйилади. Шартномалар давлат тилида тузилади, зарур ҳолларда рус ёки қорақалпоқ тилида ҳам тузилиши мумкин.

ри, номинали, чиқарилган йили, серияси ва рақами, эмитент банк ва экспертга қабул қилинган чет эл валютасининг ўзига хос бошқа хусусиятлари кўрсатилади. Экспертиза давомида чет эл валютасининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда тижорат банклари томонидан ҳақиқийлиги шубҳа туғилган нақд чет эл валюталари бошқа тижорат банклари ёки чет эл банкларига экспертизадан ўтказиш учун юборилиши мумкин. Экспертиза натижасида нақд чет эл валютаси ҳақиқий деб топилса, воситачилик ҳақи индириблиб, чет эл валютаси 09005-шаклдаги маълумотнома асосида жисмоний шахсга қайтариб бериллади.

65. Эксперт комиссияси томонидан ҳақиқий эмас деб топилган нақд чет эл валюталари эгаларига қайтариб берилмайди ва экспертиза далолатномасига оғлава қилинган ҳолда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилади. Валюта эгасига унинг талаби билан экспертиза далолатномасининг нусхаси берилиши мумкин.

66. Валюта айирбошлаш шохбчасида шикастланган чет эл валютасини шикастланмаган шу турдаги чет эл валютасига алмаштириб бериш операциялари амалга оширилиши мумкин. Бундай операциялар мазкур Низоมนинг 14-иловасига мувофиқ шаклдаги 09011-сонли реестрда расмийлаштирилади.

Энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баравари ёки ундан ошган эквивалентдаги бундай операциялар жисмоний шахслар томонидан жисмоний шахслар томонидан паспорт тақдим қилинганда, воситачилик ҳақи индирилган ҳолда амалга оширилади. Чет эл валютаси мазкур Низоมนинг 70-бандида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда шикастланган деб топиллади.

Бундай операциялар амалга оширилганда мазкур Низоมนинг 15-иловасига мувофиқ 09012-шаклдаги маълумотнома икки нусхада расмийлаштирилади ва унинг бир нусхаси жисмоний шахсга бериллади, иккинчи нусхаси кунлик ҳужжатларга тиқиб қўйилади, операция миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баравари ёки ундан ошган тақдирда жисмоний шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати нусхаси ҳам кунлик ҳужжатларга тиқиб қўйилади.

67. Валюта айирбошлаш шохбчасида чет эл валютасини ўша чет эл валютасига майдалаб ёки йирик пул миқдорига алмаштириб бериш операциялари амалга оширилиши мумкин. Энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баравари ёки ундан ошган эквивалентдаги бундай операциялар жисмоний шахслар томонидан жисмоний шахслар томонидан паспорт тақдим қилинганда, воситачилик ҳақи индирилган ҳолда амалга оширилади.

Бундай операцияларда мазкур Низоมนинг 16-иловасига мувофиқ 09013-шаклдаги маълумотнома икки нусхада расмийлаштирилади ва 09011-сонли реестрга киритилади. Ушбу маълумотноманинг бир нусхаси жисмоний шахсга ёки норезидентга бериллади, иккинчи нусхаси эса, кунлик ҳужжатларга тиқиб қўйилади. Операция миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баравари ёки ундан ошган тақдирда,

17. Халқаро тўлов картаси конвенсион бўлими му- тахассиси томонидан «Берилган халқаро тўлов кар- таларини рўйхатга олиш журналига» имзо чекирган ҳолда жисмоний шахсга ёки ЯТТа бериллади. Ма- зкур журнал рақамланган, ил ўткази тикилади, тижо- рат банки муҳри ҳамда филиал раҳбари имзоси би- лан тасдиқланган бўлиши лозим.

4-боб Халқаро тўлов карталаридати чет эл валютасини сотиб олиш операцияларини амалга ошириш

18. Жисмоний шахс ёки ЯТТ халқаро тўлов карта- сидати чет эл валютасини сотиб олувчи тижорат бан- кининг истаган конвенсион бўлиминга мурожаат эта- ди. Бунда конвенсион бўлимининг мутахассиси томо- нидан халқаро тўлов картасининг ҳақиқатда ушбу жисмоний шахс ёки ЯТТа тегишлилиги унинг шахси- ни тасдиқловчи ҳужжати асосда тақширлади.

19. Тижорат банки жисмоний шахс ёки ЯТТнинг халқаро тўлов картасидати чет эл валютасини опе- рация амалга ошириладиган кундаги чет эл валю- тасини сотиб олиш кўрсаткичи мурожаат қилганда, бун- да жисмоний шахс ёки ЯТТнинг халқаро тўлов кар- тасидати чет эл валютаси доирасида, маълумлар тўлиқ ёки қисман миллий валютага айирбошла- ниши мумкин. Чет эл валютаси тўланганлиги тасдиқловчи терминлар чеккининг асл нусхаси ёки уларнинг хисобаваридан тўланган тақдирда, банк- нинг икки тўлов ҳужжати берилган ва нусхаси кун- лик ҳужжатларга тикиб қўйилади.

20. Чет эл валютаси конвенсион бўлимининг му- тахассиси томонидан тегишли маълумотларни электрон тизимга киритиш орқали хариб қилинади. Бунда мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ 09020-шаклдаги маълумотнома икки нусхада рас- миёлаштирилади. Маълумотномалар бўлими мута- хассиси ва жисмоний шахс ёки ЯТТ томонидан им- золанган, уларга мутахассиснинг шахсий ва бўлим штамплари босилади. Маълумотноманинг бир нус- хаси жисмоний шахсга ёки ЯТТа, иккинчи нусха- си мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шакл- даги 09021-сонли реестрга илова қилиниб, кунлик ҳужжатларга тикиб қўйилади.

Жисмоний шахслар халқаро тўлов карталаридати чет эл валютасини валюта айирбошлаш шохобча- лари орқали нақд миллий валютата айирбошлашша- ри мумкин.

21. Кун охирида конвенсион бўлими мутахасси- си томонидан жисмоний шахс ва ЯТТнинг шах- си тасдиқловчи ҳужжатлари нусхалари, ЯТТнинг гувоҳнома нусхалари, терминлар чеклари ва банк ички тўлов ҳужжатлари тегишли бўлимига тақдим эти- лади. Тақдим этилган ҳужжатларга асосан жисмоний шахсининг банк картасига, ЯТТнинг хисобаварига миллий валюта ўтказиб бериллади.

5-боб Валюта айирбошлаш шохобчасини рўйхатга олиш

22. Валюта айирбошлаш шохобчаси тижорат банки раҳбарининг буйруғига асосан очилади. Валюта айир-

бошлаш шохобчасини очиш тўғрисидаги буйруқда валюта айирбошлаш шохобчасининг жойлашган ери (почта манзили), ходимларнинг шtat бирлиги, шохобча фаолиятига раҳбарлик қилувчи ва уни назо- рат қилувчи мансбдор шахслар кўрсатилиши керак.

23. Тижорат банки валюта айирбошлаш шохобча- сини рўйхатга олиш учун Марказий банкнинг тегиш- ли Худудий Бош бошқарма деб қўрилган) валю- та айирбошлаш шохобчасини очиш тўғрисидаги буйруқдан кўчирмани илова қилиб, ёзма равишда мурожаат қилади. Худудий Бош бошқарма томони- дан 3 иш куни ичида валюта айирбошлаш шохоб- часи рўйхатга олинган, тижорат банкнига мазкур Ни- зомнинг 5-иловасига мувофиқ шаклда гувоҳнома (бундан бўён матнда гувоҳнома деб қўрилади) юборилади.

24. Рўйхатга олинган валюта айирбошлаш шохобча- си Худудий Бош бошқарма томонидан мазкур Низом- нинг 6-иловасига мувофиқ шаклдаги «Валюта айир- бошлаш шохобчасини рўйхатга олиш журналига» қайд этилади.

25. Гувоҳнома йўқолган тақдирда тижорат бан- ки Худудий Бош бошқармага қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда ёзма равишда мурожаат қилиши шарт:

- Гувоҳноманинг йўқолиш сабаблари кўрсатилган даволатнома.
- Топилмаган иборасининг гувоҳнома ҳақиқатда йўқолганлигини тасдиқловчи ҳужжатининг нусхаси.

26. Гувоҳноманинг дубликатига Худудий Бош бошқарма томонидан 3 иш куни ичида берила- ди. Гувоҳноманинг дубликатига «Дубликатга» сўзи ва унинг берилган санаси ёзиб қўйилади.

27. Валюта айирбошлаш шохобчасининг жойлаш- ган ери (почта манзили) ўзгарган тақдирда, тижо- рат банки томонидан Худудий Бош бошқармага ва- люта айирбошлаш шохобчасининг жойлашган ери (почта манзили) ўзгарганлиги ва унинг сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма равишда маълум қилинади. Бунда тижорат банки томонидан валюта айирбош- лаш шохобчасини рўйхатдан ўтказиш учун умумий асосларда қайта мурожаат қилинади.

6-боб Валюта айирбошлаш шохобчаси ишмини ташкил қилиш

28. Валюта айирбошлаш шохобчасининг иш тар- тибни у фаолият юрилагатган ташкилот иш вақти би- лан келишилиши лозим.

29. Валюта айирбошлаш шохобчасида қуйидаги операциялар амалга оширилади:

- жисмоний шахслардан ва норезидент-жисмоний шахслардан нақд чет эл валютасини нақд миллий валютага сотиб олиш;
- норезидент-жисмоний шахсларга (бундан бўён матнда норезидент деб қўрилади) чет эл валюта- сини сотиш;

жисмоний шахсларнинг ва норезидентларнинг халқаро тўлов карталаридати чет эл валютасини нақд миллий валютата айирбошлаб бериш.

Лумотноманинг иккала нусхаси ҳам назоратчи, касбир ва жисмоний шахс ёки норезидент томони- дан имзоланиб, уларга валюта айирбошлаш шохоб- часи штампга ҳамда назоратчи ва касбирнинг шахсий штамплари босилади.

51. Чет эл валютаси жисмоний шахслардан сотиб олинганда, уларга 09002-шаклдаги маълумот- номанинг иккинчи нусхаси бериллади, унинг бирин- чи нусхаси эса кунлик ҳужжатларга тикиб қўйилади. Ушбу маълумотнома чет эл валютаси валюта айирбошлаш шохобчаси томонидан сотиб олинган- лигини тасдиқлайди, бирок сарфланмай қолган мил- лий валютани чет эл валютасига қайта алмаштириб бериш ҳужжати бермайди.

52. Чет эл валютаси норезидентлардан паспорт ва чет эл валютасини четдан олиб келганлиги- ни тасдиқловчи божхона декларацияси ёки улар- нинг халқаро тўлов карталаридан банк терминлари орқали ёқиб олинганлигини тасдиқловчи терминлар чекли асосида сотиб олинганда унга 09002-шаклдаги маълумотноманинг биринчи нусхаси бериллади. Ма- зкур маълумотнома сарфланмай қолган миллий ва- лютани чет эл валютасига қайта алмаштириш учун асос бўлади. Операция суммаси божхона деклар- ациясида назарда тутилган валюта миқдоридан ош- маслиги керак. Маълумотноманинг иккинчи нусхаси норезидент паспортнинг нусхаси билан бирга кун- лик ҳужжатларга тикиб қўйилади ва божхона декла- рациясига назоратчи томонидан валюта алмашти- рилганлиги тўғрисида белги қўйилади.

53. Чет эл валютаси норезидентлардан паспорт ва чет эл валютасини четдан олиб келганлигини тасдиқловчи божхона декларацияси тақдим этилма- ган ҳолда сотиб олинганда, ушбу операция мазкур Ни- зомнинг 50-бандига мувофиқ расмиёлаштирилади.

54. Халқаро тўлов картасидати чет эл валютаси ва нақд чет эл валютасини миллий валютага айир- бошлаш операциялари мазкур Низомнинг 9-иловаси- га мувофиқ шаклдаги 09003-сонли реестрга расмиё- лаштирилади.

55. Валюта айирбошлаш шохобчасида жисмоний шахсларнинг ва норезидентларнинг халқаро тўлов карталаридати чет эл валютаси нақд миллий валюта- га айирбошлаб бериллади. Уларга валюта сотиб оли- нанлигини тасдиқловчи 09002-шаклдаги маълумот- номанинг бир нусхаси ва терминлар чеккининг асл нусхаси бериллади. Маълумотноманинг ва терминлар чеккининг нусхаси кунлик ҳужжатларга тикиб қўйилади.

56. Норезидентларга чет эл валютасини сотиш валюта айирбошлаш шохобчасининг 09002-шакл- даги маълумотноманинг биринчи нусхаси, банк- номат чекки ёки халқаро жорий операциялар амалга оширилгани натижасида республикага Худудийга сўм маълумотноманинг кунлий манбалардан олинганлиги- ни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилганда амал- га оширилади.

57. Чет эл валютаси норезидентларга сотилганда, чет эл валютаси сотилганлигини тасдиқловчи ма- зкур Низомнинг 10-иловасига мувофиқ 09007-шакл- даги маълумотнома икки нусхада расмиёлаштири-

лади. 09007-шаклдаги маълумотноманинг бир нус- хаси норезидентга бериллади, иккинчи нусхаси унинг паспорт нусхаси билан бирга мазкур Низомнинг 11-иловасига мувофиқ шаклдаги 09010-сонли ре- естрга илова қилинади ва ҳисобот тузиш учун асос ҳисобланади.

58. Валюта айирбошлаш шохобчасида жисмоний шахслардан ва норезидентлардан тўловга яроқим- деб топилган ёки мумолагадан чиқарилган чет эл ва- лютаси инкассога қабул қилиниши мумкин.

59. Чет эл валютасини инкассога қабул қилиш жисмоний шахслардан ва норезидентлардан улар- нинг аризасига асосан, жисмоний шахслар томони- дан шахсини тасдиқловчи ҳужжат, норезидентлар паспорт тақдим этганда, воситачилик ҳақи ўндирил- ган ҳолда амалга оширилади. Жисмоний шахс ва но- резидент аризасида ўзининг яшаш манзилини аниқ кўрсатиши шарт.

60. Чет эл валютаси инкассога қабул қилинганда, жисмоний шахсга ва норезидентга икки нусхада тўндирилган мазкур Низомнинг 12-иловасига мувофиқ 09004-шаклдаги маълумотноманинг бир нусхаси бериллади, иккинчи нусхаси ҳисобот тузиш учун асос ҳисобланади ва кунлик ҳужжатларга жи- моний шахсини тасдиқловчи ҳужжатининг нусхаси билан бирга берилиши мумкин.

61. Чет эл банкдан инкассога қабул қилинган чет эл валютаси учун воситачилик ҳақи ўндирилганда сўнг, инкассога қабул қилинган чет эл валютаси жи- моний шахсининг ёки норезидентнинг бандлиги чет эл валютаси ёки миллий валютатадаги хисобаварига ўтказилиши ёки жисмоний шахсининг хоҳишига қўра нақд шаклда берилиши мумкин.

62. Чет эл банкни инкассога қабул қилинган нақд чет эл валютасини алмаштиришдан бош торгтан- да, тижорат банки чет эл банкнинг инкассога қабул қилинган нақд чет эл валютасини тўлашдан бош торгтанлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхасини ило- ва қилган ҳолда аризада кўрсатилган манзилга ёзма хабар юборилади.

63. Валюта айирбошлаш шохобчаси томонидан ҳақиқийлиги шубҳа туғилган нақд чет эл валю- тасини экспертизага қабул қилиш жисмоний шахс- лар томонидан шахсини тасдиқловчи ҳужжат, но- резидентлар томонидан паспорт тақдим этилган тақдирда амалга оширилади. Бунда унга нақд чет эл валютасининг экспертизага қабул қилинганлиги тўғрисида мазкур Низомнинг 13-иловасига мувофиқ 09005-шаклдаги маълумотнома икки нусхада рас- миёлаштирилади. 09005-шаклдаги маълумотнома- нинг бир нусхаси жисмоний шахсга бериллади, икин- чи нусхаси унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатининг нусхаси билан бирга кунлик ҳужжатларга тикиб қўйилади.

64. Экспертизага қабул қилинган чет эл валютаси- нинг ҳақиқийлигини аниқлаш учун тижорат банкла- ри томонидан эксперт комиссияси тузилади. Экспер- тиза натижалари бўйича комиссия томонидан даво- латнома тузилади. Ушбу даволатномада валюта ту-

хаси валюта айирбошлаш шохобчасининг кунлик хужжатларига тикиб куйилади;

шубхали операциялар ҳақида зудлик билан банкнинг Ички назорат хизматига ёзма равишда хабар беради.

40. Валюта айирбошлаш шохобчасининг кассири; қимматликларни олиш учун буортманомаларни тузиб, тижорат банкига тақдим этади;

инкассаторлар олиб келган қимматликлар солинган халталарни қабул қилиб олади ҳамда халталарни назоратчи ва инкассатор иштирокида очадди ёки тижорат банки кассасидан қимматликларни қабул қилиб, валюта айирбошлаш шохобчасига олиб келади;

алмаштириш учун тақдим этилган банкноталарнинг ҳақиқийлиги ва тўловга яроқлилигини текширади;

реестрлар, квитанциялар ва маълумотномаларни, шунингдек, назоратчи томонидан тузилган далелномаларни имзолайди;

иш куни охирида қолган қимматликларни санайди, уларни саралаб дасталайди ва назоратчи кузатувда қимматликларни халталарга жойлайди.

41. Кассир пул ва тангаларни тахлаш ҳамда уларнинг ўраб боғланшига шахсан жавоб беради.

42. Куйдагилар тақиқланади:

миллий валютани чет эл валютасига сирдан алмаштириш;

валюта айирбошлаш операциялари ҳақидаги маълумотларни электрон тизимга киритмасдан валютани сотиш операциясини амалга ошириш;

тегишли маълумотнома бермасдан, валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш;

валюта айирбошлаш операциясини бажармай туриб, тегишли маълумотномалар бериш;

валюта айирбошлаш шохобчасида чет эл валютасидаги ва энг кам ойлик иш ҳақининг яримдан ортиқ миқдорда миллий валютадаги шахсий жамғармаларнинг бўлиши.

8-боб. Валюта айирбошлаш шохобчасини қимматликлар, маълумотномалар билан таъминлаш ва улардан фойдаланиш

43. Қимматликларни олиш учун кассир томонидан маъмур Низомининг 7-иловасига мувофиқ шаклда 09001-сонли талабнома икки нусхада тўлдирилади. Талабноманинг бир нусхаси тижорат банки кассасида қолдирилиб, иккинчи нусхаси кунлик хужжатларга тикиб куйилади.

Тижорат банки бухгалтериясининг масъул ходими валюта айирбошлаш шохобчасининг талабномаси ҳамда тегишли касса ва балансдан ташқари ордерлар асосида валюта айирбошлаш шохобчасига жўнатиш учун тайёрланган қимматликларнинг уч нусхада рўйхатини тузади. Уларнинг ҳар бирини тижорат банкнинг моддий жавобгар шахси имзолайди.

Валюта айирбошлаш шохобчасига жўнатиш учун тайёрланган қимматликлар уларнинг рўйхати нусхаси билан бирга моддий жавобгар шахслар томонидан

дан инкассация халтасига жойланади, шундан сўнг халта тамгалансади. Валюта айирбошлаш шохобчасига бириктирилган ҳар бир инкассация халтасида валюта айирбошлаш шохобчасининг рўйхат рақами ва тижорат банки номи ёзилади. Инкассатор халталарни қабул қилиб олгандан сўнг, қимматликлар рўйхатининг иккинчи нусхасини имзолайди.

44. Валюта айирбошлаш шохобчасини иш куни бошланшидан олдин қимматликлар билан таъминлаш ёки унга иш куни давомида қўшимча қимматликлар келтириш инкассаторлар томонидан амалга оширилади, валюта айирбошлаш шохобчасига бириктирилган қимматликлар билан таъминлаш шохобчасига тижорат банки биносида жойлашган ҳоллар бундан мустасно.

45. Инкассатор келтирилган халталар назоратчи иштирокида кассир томонидан қабул қилинади. Бунда халтанинг тамга урилган тизимчасининг бўлгани ва таъминлашнинг аниқлиги синчиклаб текширилади. Кассир томонидан халта очилаётганда ва унга солинган қимматликлар текширилаётганда унинг ёқинда назоратчи ва инкассатор туриши шарт.

46. Валюта айирбошлаш шохобчасининг талабномаси, тегишли касса ва балансдан ташқари ордерлари асосида тузилган рўйхатнинг биринчи нусхаси унинг иккинчи нусхаси ва қабул қилинган қимматликлар ҳисоби билан солиштирилгандан сўнг, қимматликлар қабул қилиб олинганлиги тўғрисидаги рўйхатнинг иккинчи нусхаси назоратчи ва кассир томонидан имзоланса ҳамда валюта айирбошлаш шохобчасининг штами билан тақдимланади ҳамда рўйхатнинг иккинчи нусхаси инкассация бўлимига топшириш учун инкассаторга қайтарилади. Рўйхатнинг биринчи нусхаси валюта айирбошлаш шохобчасининг кунлик хужжатларига тикиб куйилади.

9-боб. Валюта айирбошлаш шохобчасида валюта операцияларини амалга ошириш

47. Валюта айирбошлаш шохобчасида валютаси чеklangмаган миқдорда сотиб олинади.

48. Валюта айирбошлаш шохобчаси томонидан амалга оширилган операциялар тўғрисидаги маълумотлар электрон тизимга киритилади.

Чет эл валютасини сотиб олишда операция энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баравари миқдорига тенг бўлган ёки ундан ошган ҳолларда, бундай операциялар тегишли маълумотларни электрон тизимга киритиш орқали амалга оширилиши шарт. Бунда жисмоний шахслардан шахсини тасдиқловчи хужжат ва но-резидентлардан паспорт талаб этилади ҳамда уларнинг нусхаси кунлик хужжатларга тикиб куйилади.

49. Кассир жисмоний шахслар ва но-резидентлар томонидан тақдим этилган чет эл валютасининг ҳақиқийлиги ва тўловга яроқлилигини техник воситалар ёрдамида текшириши шарт.

50. Чет эл валютасини жисмоний шахслар ва но-резидентлардан сотиб олишда маъмур Низомининг 8-иловасига мувофиқ 09002-шаклдаги маълумотнома икки нусхада расмийлаштирилади. Ушбу маълумот

жисмоний шахслардан ва но-резидентлардан чет эл валютасини инкассация қабул қилиш;

ҳақиқийлиги шубҳа туғдирган чет эл валюталарини жисмоний шахслардан ва но-резидентлардан экспортга қабул қилиш;

жисмоний шахсларнинг ва но-резидентларнинг чет эл валютасини уша чет эл валютасига майдалаб ёки йирик пул миқдорларида бериш.

30. Валюта айирбошлаш операцияларини амалга оширилганлик учун воситачилик ҳақи ундирилиши мумкин, чет эл валютасини сотиш ва сотиб олиш операциялари бундан мустасно. Воситачилик ҳақининг миқдори тижорат банклари томонидан белгиланади.

31. Валюта айирбошлаш шохобчаси миқозларнинг танишиб чиқиши учун кулай бўлган жойга куйдаги маълумотларни ўз ичига олган стенд билан жиҳозланади:

валюта айирбошлаш шохобчасининг иш вақти; чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш курслари; маъмур валюта айирбошлаш шохобчаси томонидан амалга оширилгандан валюта айирбошлаш операциялари;

пул белгиларининг ҳақиқийлиги ва тўловга яроқлилигини аниқлаш қоидалари;

жисмоний шахслардан ва но-резидентлардан чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш тартиби;

валюта айирбошлаш операциялари учун ундирилгандан воситачилик ҳақи миқдори;

валюта айирбошлаш шохобчасининг рўйхатга олинганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси.

32. Валюта айирбошлаш шохобчасида бир вақтнинг ўзига икки нафар ходим – назоратчи ва кассир фаолият қилиши ҳамда махсус кийим (уни-форма) билан таъминланган бўлиши лозим. Зарур ҳолларда, тижорат банки раҳбарининг буйруғига асосан тажрибали кассирлар ва назоратчилар валюта айирбошлаш шохобчасига вақтинча фаолият юритиш учун жалб этилиши мумкин.

33. Тижорат банклари томонидан валюта айирбошлаш шохобчаси ёнмайдиган темир шкаф (сейф), телефон алоқаси, қўриқлаш ва ёнгин хавфсизлиги синализацияси, валютанинг ҳақиқийлигини аниқлайдиган детектор ёки тестер, тегишли дастурий таъминотга эга компьютер ва ҳисоблаш техникаси, шунингдек, зарур норматив-ҳуқуқий хужжатлар ва маълумот материаллари билан таъминланади.

34. Валюта айирбошлаш шохобчасида назоратчи ва кассир лавозимга тайинланганлиги тўғрисидаги тегишли буйруқдан кўчирма бўлиши керак.

35. Назоратчи ёки кассир ўзига юклатилган вазифаларни банк раҳбарининг тегишли буйруғисиз бошлаш шахси ишониб топшириши ва валюта айирбошлаш шохобчасига бегона шахсларни киритиши тақиқланади.

36. Валюта айирбошлаш шохобчасининг ҳар бир ходими фамилияси кўрсатилган штамп, назоратчига эса, қўшимча равишда, тижорат банкнинг номи, рўйхатга олиш рақами ва шохобчаннинг манзили ёзилган штамп бириктириб қуйилади.

Ишдан ташқари вақтда валюта айирбошлаш шохобчасида

шохобчасида қимматликлар ва штампларни сақлаш тақиқланади.

37. Валюта айирбошлаш шохобчаси кассирлари қимматликлар солинган халталарни тамгалаш учун пломбир берилади. Унинг плашқасида валютасида айирбошлаш шохобчасининг рўйхат рақами ва қисқартирилган номи қайд этилади. Кассирга пломбир тижорат банки томонидан журналга имзо чеки билан берилган.

Инкассация бўлими (Участкеси) бошлиғи ва тижорат банкнинг касса мудири томонидан тасдиқланган пломбир изи намунасининг бир нусхаси валюта айирбошлаш шохобчасининг кассирга берилади. Ушбу намуна кассир томонидан қимматликлар солинган халталар олинаётганда инкассаторга кўрсатилади. Намунанинг иккинчи нусхаси тижорат банкнинг кечки кассасига берилади.

38. Ишга қабул қилинган ходимлар тижорат банк томонидан моддий жавобгарлик тўғрисида тегишли қонун ҳужжатларининг нормалари, шунингдек, қимматликларни сақлаш, қабул қилиш, бериш, улар билан ишлаш, қайта санаш ва ташшига доир қоидалар, валюта айирбошлаш операцияларини ўтказиш ва уларнинг ҳисобини юритиш тартиби билан таништирилиши шарт.

7-боб. Валюта айирбошлаш шохобчаси ходимларининг вазифалари

39. Валюта айирбошлаш шохобчасининг назоратчиси:

қимматликлар солинган халталарни қабул қилади, уларни очилганда иштирок этади ҳамда ундаги қимматликлар кам ёки ортиқ чиққан ҳолларда, икки нусхада далолатнома тузади, ушбу далолатнома кассир билан бирга имзолайди ва унинг бир нусхасини банкга юборади;

айирбошлаш учун тақдим этилган миллий ва чет эл валютаси эквивалентини ҳамда воситачилик ҳақини ҳисоблайди;

амалга оширилган валюта айирбошлаш операцияларини тегишли реестрга қайд этади;

маълумотнома ва квитанцияларни тўлдирди ҳамда имзолайди;

амалга оширилган валюта айирбошлаш операцияларини буйича хужжатларни иш куни охирида имзолайди;

иш куни охирида қолган қимматликларни дасталари буйича санаб чиқади ва бу қимматликларнинг дасталари буйича халталарга тўйик солинишини назорат қилади;

амалга оширилган операциялар тўғрисида маълумот тузади ва уни тегишли реестрлар ва маълумотномалар нусхалари асосида текшириб чиқиб, имзолайди;

қимматликларнинг амалдаги қолдиқларини амалга оширилган операциялар тўғрисидаги ҳисоб билан солиштиради ва қимматликлар ортиқ ёки кам чиққан ҳолларда, икки нусхада далолатнома тузади ва уни кассир билан бирга имзолайди. Унинг бир нусхаси тижорат банкига юборилади ва иккинчи нус-

ЗАМОНАВИЙ СТАНДАРТЛАР

«Ипотека-банк»ка халқаро сертификат тақдим этилди

«Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки ISO 9001:2015 сифатни бошқариш стандарти бўйича халқаро сертификатга эга бўлди.



Президентимизнинг жорий йил 12 сентябрдаги «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 3270-сонли Қарориди мамлакатимиз банкларини замонавий илғор тажрибалар асосида хизмат кўрсатувчи, жаҳон миқёсида рақобатбардош молиявий муассасаларга айлантириш юзасидан қатор ва-зифалар белгилаб берилган.

Хусусан, хужжатда банк соҳасида тизимли ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар қаторида тижорат банклари фаолиятига умумэтироф этилган замонавий нормалар, стандартлар ва баҳолаш кўрсаткичларини жорий этиш, банк-моллия тизими кўрсаткичларини

халқаро рейтинг баҳолаш ташкилотлари ҳамда миллий мустақил рейтинг баҳолаш тизимига мувофиқ ҳолисона баҳолашни янада такомиллаштириш масаласи алоҳида ўрин олган.

Яъни банкларнинг ўз фаолиятида ISO 9001:2015 «Сифатни бошқариш тизими» стандартини татбиқ этиши долзарблик касб этади.

Шундан келиб чиқиб, «Ипотека-банк» АТИБ ўз фаолиятида халқаро меъёр ва замонавий тажрибаларни татбиқ қилиш йўлида фаол иш олиб бормоқда. Уларнинг амалий натижаси эса бугунги кунга келиб, банк халқаро миқёсда тан олинган «Moody's» ҳамда «Standard & Poor's» рейтинг агентликлари томонидан тасдиқланган ва истиқболи «Барқарор» дея белгилан-

ган халқаро рейтингларга эгалигида намоён дид.

– Ушбу чора-тадбирларнинг кел-инги бошқичи сифатида «Ипотека-банк»нинг Бош офиси – Тошкент шаҳар филиали ҳамда Амалиёт бошқармаси бошқаруви тизимида «Юридик шахсларнинг банк ҳисобварағига хизмат кўрсатиш» хизмат тури ISO 9001:2015 стандарти талабларига мослаштирилди, – дейди «Ипотека-банк» АТИБ Банк рискларини бошқариш департаменти бўлим бошлиғи Улугбек Файзиев. – Бунинг учун эътироф сифатида муассасамиз ушбу соҳада миллий сертификатга эга бўлди. Шунингдек, банк хизматларини жаҳон миқёсига олиб чиқиш мақсадида муассасада халқаро талаблар асосида сифат аудити ўтказилди. Бунинг самарасида эса, Италияда фаолият юритувчи халқаро ISO ташкилотига аъзо – «QMS ITALIA» халқаро сертификатлаштириш агентлиги «Ипотека-банк» АТИБни ISO 9001:2015 стандарти бўйича халқаро сертификациядан ўтказди.

Айтиш жоиз, мазкур банкда хизматларни ISO 9001:2015 стандарти талабларига мослаштириш 2016 йилда бошланган бўлиб, ўтган вақт давомида юридик шахсларга банк ҳисобварағи бўйича хизмат кўрсатиш тўлиқ қайта кўриб чиқилди, 30 дан ортқч ички меъёрий хужжатлар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди. Мижозларга хизмат кўрсатувчи ходимлар малакаси оширилди.

Чунончи, банкда ISO. 9001:2015 стандартини татбиқ қилишда «Си-

фатни бошқариш», «Банк хизматини кўрсатиш», «Мижозлар эҳтиёжларини қониқтириш даражасини ўрганиш», «Ходимларни иш жойида узлуксиз ўқитиш ва малакасини ошириш», «Раҳбарлар томонидан амалга оширилладиган таҳлил», «Банк таваккалчиликларини назорат қилиш» каби жа-раёнларни мувофиқлаштириш катта аҳамият касб этди.

«Ипотека-банк» АТИБга ISO 9001:2015 сертификатини топшириш маросими муассасанинг Бош офисида ўтказилиб, унда банк раҳбарлари ва етакчи мутахассислари билан бирга «QMS ITALIA» халқаро сертификатлаштириш агентлигининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакиллари ҳам иштирок этди.

– Ўзбекистонда маҳсулот ва хизматлар билан жаҳон бозорига интеграциялашув ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, бунинг учун зарур шароитлар яратиб берилмоқда, – дейди ваколатхона раҳбари Раҳимжон Ҳакимов. – «Ипотека-банк» АТИБ ушбу имкониятлардан фойдаланган ҳолда изчил изланишлар олиб бориб, кўзлаган мақсадига эришди. Сертификат банк фаолиятининг барқарорлигини, хизмат кўрсатиш сифатининг халқаро стандартларга мувофиқлигини билдиради. Бу, ўз навбатида, муассаса мижозлари ҳамда хорижлик ҳамкорлари ишончини ошириб, улар билан ўзаро муносабатларнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Назира МАВЛОНОВА.

Банкнинг молиялаштириш имконияти кенгаймоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Корея Республикасидан замонавий технологик ускуналар импортини молиялаштиришга хизмат қилувчи ушбу кредит линиялари Корея банки томонидан ўзбекистонлик тадбиркорларнинг узоқ (5 йилгача) ва қисқа (2 йилгача) муддатли кредитлаш амалиёти бўйича амалга оширилади.

Шунингдек, ушбу ойда (14-16 ноябрь кунлари мамлакатимиз Бош вазири Абдулла Арипов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси ҳукумат делегациясининг Германияга ташрифи доирасида) «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ «Commerzbank AG» (Германия) билан ҳам янги келишувга эришди.

Мюнхен шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон – Германия бизнес-форумида давлатлар ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида «Ўзсаноатқурилишбанк» «Commerzbank AG» билан амалдаги кредит линиясини 200 млн. еврога ошириш бўйича қўшимча келишув имзолади.

Маълумки, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ ва

«Commerzbank AG» ҳамкорлигида 1997 йилда асос солинган. Шерикчиликдаги дастлабки лойиҳа «Шўртан» ГКМ қурилиши учун технологик ускуналар импортини молиялаштириш билан боғлиқ бўлган. Ушбу лойиҳани молиялаштириш мақсадида «Commerzbank AG»нинг 200,0 млн. долларлик кредит маблағлари жалб қилинган.

Кейинчалик 1999 йилда «Commerzbank AG»нинг 25,0 млн. доллар миқдоридидаги «кичик бизнес вакилларининг лойиҳаларини молиялаштиришга мўлжалланган» кредит линияси жалб этилди. Шунингдек, савдо операцияларини молиялаштириш амалиётлари учун 10,0 млн. доллар миқдоридидаги лимит ажратилди.

Ўтган йиллар давомида банкимиз ва «Commerzbank AG» ўртасида ҳамкорлик кўлами кенгайиб бормоқда, – дейди Банкнинг инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш департаменти директори ўринбосари Отабек Тошев. – Хусусан, 2016 йил

яқунларига кўра, томонлар ўртасида тузилган кредит битими ҳажми 150 млн. еврога қадар оширилди. Эришилган банклараро келишувлар доирасида умумий қиймати 28,2 млн. евро бўлган 15 та лойиҳа молиялаштирилди. Кредит линиядан асосан Европа мамлакатларидан саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган технологик ускуналар харид қилинди. Натижада мамлакатимизда импорт ўрнини босувчи турли саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди, минглаб иш ўринлари яратилди.

Бугунги кунда банкимиз томонидан «Commerzbank AG»нинг кредит линияси ҳисобидан 114,6 млн. евролик 4 та лойиҳани молиялаштириш ишлари олиб борилмоқда. Улардан бири «Commerzbank AG»нинг «Кредит Суис» банклари консорциуми билан биргаликдаги кредит линияси ҳисобидан «Навоийазот» АЖда азот кислотасини ишлаб чиқаришни ташкил этиш» лойиҳасидир.

Эъзоз КАМОЛОВА.

БАНК ХОДИМЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ходимлари учун 2017 йил декабрь ойида олий ўқув юртларида ўтказилиши режалаштирилган ўқув курслари ва семинарлар жадвали

№	Ўқув курсининг номи	Ўқув курслари ўтказилиш муддати		
		5 декабрдан 7 декабргача	11 декабрдан 16 декабргача	18 декабрдан 23 декабргача
1	Банкларда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назоратни ташкил этишда халқаро стандартлар ва миллий қонунчилик талаблари	ТМИ		
2	Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва аудит		ТМИ	
3	Банкларда валюта амалиётлари ва уларнинг ҳисоби			ТМИ
4	Тижорат банклари бўлими ва филиаллари бошқарувчилари учун шарҳлаш курси			БМА
5	Тижорат банклари бўлими ва филиаллари бош бухгалтерлари учун шарҳлаш курси: қонунчиликдаги ўзгаришлар, янгиликлар ва амалиёт		БМА	
6	Халқаро норма ва тамойиллар асосида тижорат банклари фаолиятини баҳолаш		БМА	
7	Тижорат банкларини солиққа тортиш тартиби ва уларни оптималлаштириш		ХМИРМ-ў	

КИЗИҚАРЛИ МАЪЛУМОТЛАР

МОЗИЙГА ҚАЙТИБ

Марказий Осиёда пулга асос солиниши тарихи ва тараққиёти

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда).

2-ҚИСМ.
МАРКАЗИЙ ОСИЁ
ТАНГАЛАРИ

Нашримизнинг ушбу сонидан Марказий Осиёдаги пуллар хусусида тўхталамиз. Марказий Осиё турли қабила, халқ, миллат ва элатлар кесишадиган ҳудудда жойлашгани боис шаҳарлар босқинчилар, қароқчиларнинг ҳужумига тез-тез учрарди. Албатта, ҳудуд аҳли пул ҳақида хабардор бўлган, бироқ 2000 йиллар аввал ундан фойдаланувчилар кўпчиликини ташкил қилмаган. Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский) ҳудудни босиб олгач, шаҳарлар аҳли юнон пулларидан фойдалана бошлаган. Ўша даврда вазни 6 граммлик кумуш дирҳам қўлланилар эди. 1 граммлик майда кумуш тангалар ҳам мавжуд эди. Искандар Зулқарнайн даврида қиймати тўрт дирҳамга тенг тетрадирҳам ҳам зарб этилган. Айнан шу тангалардан Искандарнинг ўлимидан сўнг анча пайтгача фойдаланилган.

ДИРҲАМ –
ҚАДИМИЙ ДАВЛАТЛАР
ПУЛ БИРЛИГИ

Марказий Осиё ҳудудида эраимиздан аввалги VI асрдан то эраимизнинг 712 йилгача қадар кўпчиликка таниш бўлган қадимий давлатлардан бири Хоразм араблар томонидан босиб олинган эди. Араблар бу ҳудудни Мовароуннаҳр, яъни «дарёнинг орти», «дарёнинг нариги томони» деб атай бошлади. Кейинроқ бу атамани Амударё ва Сирдарё ўртасидаги ҳудудга нисбатан қўллаш бошлади. Мовароуннаҳр таркибига Самарқанд, Бухоро, Хўжанд сингари йirik шаҳарлар кирарди. Арабларнинг кириб келиши билан ҳудудда олтин танга шаклидаги араб пулларидан фойдаланила бошланди. Олтин тангалар фақатгина халифалик пойтахтида, дирҳамлар асосий шаҳарлар марказида зарб этилган бўлса, мис пуллар эса чекка қишлоқларда қўлланилган. Саёҳатчилар ёзишича, мис тангалар Самарқанд ва Бухорода ҳам қабул қилинган, бироқ унинг қадри ва қиймати бироз пастроқ эди. Таъкидлаш лозим, дирҳам асосий пул бирлиги сифатида қайд этилган бўлса, динарлар маъсумот сифатида баҳоланган эди. XI асрдан то XIII аср бошларига қадар Марказий Осиё



Бухоро амирлиги, 1918 йил, 60 тангалик

ҳудудида турли давлатларнинг пуллари қўлланилган.


1220 йилда Мовароуннаҳр Чингизхон томонидан босиб олинган. Мўғул ҳарбийларига кескин қаршилик кўрсатилган бўлишига қарамай, шаҳарлар жуда абгор ҳолатга тушиб қолган. Ҳатто Бухоро, Самарқанд, Тошкентда ҳам савдо ва иқтисодиёт заифлашган. Бироқ вақт ўтиши билан Мовароуннаҳр тобора тиклана бошлади. Қайд этиш лозим, Мовароуннаҳрни Амир Темурга қадар бошқарган Чигатой (Чингизхоннинг ўғли) пул тизимига алоҳида эътибор қаратган. Мунке даврида эса олтин динар муомалага киритилган. Кейинроқ, яъни 1271 йилда Масъудбек томонидан кескин пул ислоҳоти амалга оширилди. Ушбу ислоҳотга асосан Марказий Осиёнинг барча шаҳар ва қишлоқларида бир хил қиймат ва вазнга эга ҳақиқий кумуш тангалар зарб этилиши кўзда тутилган эди. Бундай тангалар қаерда зарб этилган бўлишидан қатъи назар, Мовароуннаҳрнинг барча ҳудудида бирдек қўлланилиши керак эди. Бундан ташқари, исталган инсон ўзидаги кумушларни пул заводига келтириб, муайян тўловни амалга оширган ҳолда ўзи учун тангаларни ясаши мумкинлиги қайд этилган эди.

Чингизийлар авлодининг яна бир вакили ҳисобланмиш Кебекхон даврида ҳам Чигатой улусида маъмурий ва иқтисодий ислохотлар амалга оширилди. Ўша даврда қиймати олти майда танга – дирҳамга тенг (вазни 8 граммдан ортик) кумуш динарлар муомалага киритилди. Улар асосан Бухоро ва Самарқандда зарб этиларди.

3-ҚИСМ.

МОВАРОУННАҲРДА
АМАЛГА ОШИРИЛГАН
ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАР

Чигатой улуси тарихи 1370 йилда, яъни Амир Темур ҳокимият тепасига кели-



ши билан якунига етди. Амир Темур нафақат замонавий Марказий Осиё давлатлари, балки ҳозирги Афғонистон, Эрон, Ҳиндистоннинг бир қисми, Кавказорти мамлакатларини ўз ичига олувчи йirik давлатни барпо этди ва унинг пойтахти Самарқанд бўлди.

Амир Темур бошқаруви даврида дирҳамлар ўрнига танга номи билан аталган ва 6 граммлик кумуш тангани ўзида ифода этувчи пуллар қўлланила бошланди. Бундан ташқари, оғирлиги 1,5 граммлик майда кумуш тангалар ҳам зарб этилган. Шундай қилиб, 1 танга 4 мирга тенг эди. Савдода мис тангалардан ҳам кенг фойдаланилган. Амир Темур томонидан муомалага киритилган пул-молия тизими нафақат буюк империя ичидagi савдода, балки унинг ташқарисида ҳам қўлланилган.

Марказий Осиё тараққиётида Амир Темурнинг ҳиссаси беқиёс бўлган. Бу буюк шахснинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларда қад кўтарган ҳашаматли ҳайкаллар ҳанузгача бутун дунё диққат марказида. Йirik давлат арбоби ва саркардага атаб Тошкент шаҳрида ўрнатилган ҳайкал шаҳар кўригига кўрк бағишлаб турибди. Бироқ Амир Темур бобомиз ҳаётигидаёқ Париж шаҳрида «Европани озод этган шахс» ҳайкали мавжуд бўлганлиги барчага ҳам маълум эмас. Гап шундаки, буюк

бобокалонимиз турк султони Боязидни маҳв этиш орқали Европани турк шоҳининг ҳамласидан қутқариб қолган.

Амир Темур вафотидан сўнг унинг авлодлари ўртасида ҳокимият учун кураш бошланди. Бу курашда ва ниҳоят унинг фарзанди Шоҳрух ғолиб бўлди. Айни пайтда те-мурийлар ўртасидаги кураш XVI аср охирига қадар давом этди. Мовароуннаҳрни Амир Темурнинг набираси Улуғбек бошқарган давр-

фатли кумушдан иборат танга ва мисдан таркиб топган танга – фулус (халқ ўртасида пул номини олган) тангаларини муомалага киритди. Янги турдаги тангаларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унинг икки томонида ҳам ишлаб чиқарилган сана битилган. Шунингдек, тангалардан улар зарб этилган масканнинг номи ўрин олган эди. Бу тангалар Хоразм, Қўқон ва Туркистонда кенг қўлланилган эди. Кейинчалик ҳам Бухоро хонлигини бошқарган ҳукмдорлар бундай тангаларни зарб этишда давом этган эди.

Бухорода олтин тангалар мунтазам ишлаб чиқариларди ва сўнгги бор тилла 1913 йилга қадар Амир Олимхон ҳукмронлиги даврида зарб этилган. Кумуш тангалар эса Туркистон ҳудудида 1890 йилга қадар, яъни Чор Россияси ҳукмронлигига қадар ишлаб чиқарилган. Туркистон ҳудудида танга қуйидаги курс буйича айирбошланган: 1892 йил 1 майга қадар 20 тийин, 1893 йил 1 майга қадар 15 тийин, 1894 йил 1 майга қадар 12 тийин, 1895 йил 1 майга қадар 10 тийин. Кумуш тангалар 1905 йилга қадар зарб этилган.

Биринчи жаҳон уруши бошланиши билан Россия молия тизими суस्ताшиб борди, бу эса Бухоро амирлигидаги пул муомаласига таъсир кўрсатмай қолмади. Ўша йилларда 1/2, 1, 2, 3, 5, 10 ва 20 танга номиналидаги мис пуллар ишлаб чиқарилар эди. Бундан кўриниб турибдики, Бухоро амирлигининг молиявий тизими инқирозга юз тутта бошлаган. Бухорода мис пуллар ишлаб чиқарилиши 1920 йилга келиб тўхтатилди. Ушанда Бухоро большевиклар томонидан бутунлай маҳв этилганидан кейин сўнгги амир Сайид Олимхон Афғонистонга кетишга мажбур бўлган эди.

4-ҚИСМ.
ТИЛЛА ТАНГА ВА ПУЛНИНГ
ПАЙДО БЎЛИШИ

XVI аср аввалига келиб турли урушлар, босқинчилик ҳужумлари оқибатида те-мурийлар салтанатига путур ета бошлади ва ҳокимият Муҳаммад Шайбоний бошчилигидаги ўзбекилар қўлга остига ўтди. У мамлакат пойтахтини Самарқанддан Бухорога кўчирди ва Бухоро хонлиги асос солинди. Шайбонийлар даврида кумуш ва мис тангалардан фойдаланилган. Шу билан бирга, бир кумуш танга 20 мис тангага, баъзан эса ҳатто 30 тангага тенг бўлган ислоҳот ўтказилди.

Мангитлар сулоласидаги ҳукмдорлардан бири Шоҳ Мурод 1784-1785 йилларда амалдаги пул бирлигидан ташқари мамлакатда олтиндан ясалган тилла ёки ашрафи номидаги, ёқори си-

(Давоми келгуси сонда).

ТАДБИРКОРЛИК

БАНК ТИЗИМИДА ЁШ ҚИЗЛАРНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ТАШАББУСЛАРИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

«Бугунги кунда Ўзбекистон хотин-қизлари ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида ўзларини тўла намойиш этиб келмоқда. Сизлар давлат ва бошқарува идоралари, вакиллик органларида, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ва фермерлик тармоқларида, ижтимоий соҳаларда самарали меҳнат қилиб, Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқдасиз.»

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган учрашувидаги нутқидан, 2017 йил 4 март.

Ҳақиқатан ҳам, дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторига қўшилиш йўлидаги Ўзбекистоннинг ҳар бир дадил қадамида, эришилаётган ютуқларда хотин-қизларнинг фаол иштирок этаётгани ана шу эъзо ва ғамхўрлик самарасидир. Юртимизнинг чекка ҳудудларида ҳам хотин-қизларнинг меҳнат ва ташаббусларини кўришимиз мумкин. Бугун улар пухта тадбиркор, малакали мутахассис, ҳар бир соҳанинг фидойи вакиласи сифатида ўз бурчларини сидқидилдан бажариб келмоқда.

Бугунги кунда иқтисодиётнинг турли тармоқларида банд бўлган аёллар 45 фоизни, жумладан, sanoatda 28,3, қишлоқ хўжалигида 37 фоизни ташкил этади. Фермер аёллар сони эса 1500 нафардан ошди.

Бу, албатта, жамият ҳаётида хотин-қизларимиз фаоллигини юксалтириш, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг амалий самарасидир. Бундан оқилона фойдаланаётган опа-сингилларимиз тадбиркорликда ҳам самарали фаолият кўрсатиб, нафақат оиласига наф келтираётган, балки иқтисодиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Айниқса, сўнгги йилларда тадбиркорлик, хусусий ва оилавий бизнес соҳасида аёлларнинг иштироки кучайиб бораётганини қайд этиш жоиз. Буни охириги ўн йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига раҳбарлик қилаётган хотин-қизларнинг улуши 1,6 баробар ошгани мисолида ҳам аққол кўриш мумкин.

Мазкур жараёнда Марказий банк томонидан банк тизимида тадбиркор аёлларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, уларнинг тадбиркорлик ташаббуслари ўз вақтида молиялаштирилаётгани алоҳида аҳамиятга эга. Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, аёллар тадбиркорлигини ҳар томонлама ривожлантириш учун тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитлар ҳажми йилдан-йилга ошиб бораётганини кўриш мумкин. Мисол учун, 2007 йилда 90,1 млрд. сўм миқдоридан кредит маблағлари берилган бўлса, 2016 йилда 1 трлн. 646 млрд. сўмдан ортиқ маблағ тижорат банклари томонидан хотин-қизларнинг истиқболли лойиҳалари учун ўз вақтида молиялаштирилди.

Тижорат банкларининг мазкур маблағларини ажратишда қишлоқ жойларда аёллар томонидан бошқарилаётган, уларнинг меҳнатидан фойдаланилаётган кичик корхоналарни ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашни рағбатлантириш, касаначилик ва янги иш ўринларини яратишга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда.


Жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга тижорат банклари томо-

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи ва фаоллигини ошириш, ўз салоҳиятини ижтимоий-иқтисодий соҳаларда яққол намойиш этишлари учун зарур шарт-шароит яратиб бериш Президентини Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида олиб борилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан биридир.



надан ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 176 фоиз кўп, яъни 2 трлн. 493 млрд. сўм кредит маблағлари йўналтирилди. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиздаги минглаб аёлларнинг ўз мустақил фаолиятига, даромад манбаига эга бўлишларига, оилаларнинг бюджетини янада шаклланишига ва турмуши фаровонлашишига хизмат қилади.

Тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар



Ўз навбатида, банк тизимида қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда аёлларнинг тадбиркорликка оид ташаббуслари қўллаб-қувватланиб келмоқда. Аҳоли, айниқса, қишлоқларда яшовчи аёллар турмуш даражасини янада яхшилаш борасидаги амалий чора-тадбирлар опа-сингилларимиз имкониятларини рўёбга чиқариб, уларнинг оғирини енгили қилапти. Жумладан, бу борада банк тизимининг яқин ҳамкори бўлган Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси опа-сингилларимизга жамиятда ўз ўрнини топиши, иқтидор маҳоратини кенг намойиш этиши, бизнес билан шуғулланиши ҳамда бунинг учун имтиёзли кредитлар олишида амалий ёрдам кўрсатаёпти.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси бош мутахассиси Гульмира Тлеуова:

«Бугунги кунда хотин-қизлар бошқараётган кичик корхоналар қарийб 120 мингтадан ташкил қилмоқда, шундан 4,5 мингтаси фермер хўжаликларидир. Аёллар тадбиркорлиги иқтисодиётимиз учун истиқболли йўналиш ҳисобланади. Хотин-қизларнинг ўз лойиҳаларини амалга ошириш учун бошланғич капитал билан таъминлашга кўмаклашиш, уларнинг бизнес юритиш соҳасидаги билим ва кўникмаларини бойитиш самарадорликка эришишда муҳим аҳамиятга эга.

Жумладан, аёллар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлашга тижорат банклари томонидан йўналтирилган кредитлар ҳажми йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Сўнгги 10 йил

давомида кредитлаш ҳажми 30 баравардан зиёд ўсганлиги юртимизда аёлларимиз тадбиркорлиги юксак даражада ривожланаётганлигидан далолатдир. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси Марказий банк билан ҳамкорликда олиб бораётган амалий ишлар аёлларимиз жамиятда ўз ўринларига эга бўлишларида улкан муваффақиятлар сари етакламоқда. Натижада опа-сингилларимиз банкларга бўлган ишончи тобора ошиб бормоқда.»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 4947-сонли Фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури»га мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг 2016-2017 ўқув йилда касб-хунар коллежлари битирувчи қизлари ўртасида «Тадбиркор қизнинг энг яхши лойиҳаси – 2017 йил» кўрик-танловини ўтказиш белгиланган.

Юртимизда аёлларни тадбиркорликка кенг жалб этиш ва уларнинг фаолиятини рағбатлантириш мақсадида 2013 йилдан буён «Тадбиркор аёлнинг энг яхши лойиҳаси» танлови ўтказилмоқда.

2016 йилда эса бу танлов эндигина тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган ёш қизларнинг бу борадаги ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилди. Танловнинг асосий мақсади коллежларни тамомлаётган тадбиркор қизларнинг лойиҳаларини ҳаётга кенг татбиқ этиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қизларнинг бандлигини таъминлаш, бунда қишлоқ аёллари манфаатларини алоҳида инobatга олиш, тадбиркорликни ривожлантириш борасида ўзаро тажриба алмашиш, илғор иш услубларини омдалаштиришга қаратилган.

Мазкур лойиҳа доирасида энди иш бошлаётган хотин-қизларга тадбиркорликни ўргатиш мақсадида турли ўқув курслари ташкил этиш, ёш оилаларга, тадбиркор аёлларга, шу жумладан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун коллежларнинг битирувчиларига кредитлар ажратиш, оилавий бизнес ва жарамандчиликни қўллаб-қувватлаш жараёнларида яқиндан ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Касб-хунар коллежлари битирувчи қизлари ўртасида «Тадбиркор қизнинг энг яхши лойиҳаси – 2017» кўрик-танлови Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда тижорат банклари томонидан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ўрта махсус касб-хунар таълим маркази, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар иттифоқи, Касба уюшмалари федерацияси, «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Танлов доирасида юртимиздаги ҳар бир касб-хунар коллежининг битирувчи қизлари билан тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, бу борада қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар, преференциялар тўғрисида ўн мингдан ортиқ очиқ мулоқот, кўرғазма ва семинарлар ташкил этилди. Республикаимизнинг 800 та касб-хунар коллежидан жами 18 235 нафар битирувчи қизлар ўз лойиҳалари билан иштирок этиди. Тадбиркорлик соҳасининг қуйидаги йўналишлари бўйича танлов иштирокчилари лойиҳалари танлаб олинди. Булар «Ишлаб чиқариш соҳасидаги энг яхши лойиҳа», «Сервис соҳасидаги энг яхши лойиҳа», «Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги энг яхши лойиҳа».

Танлов низомига мувофиқ, юртимизнинг ҳар бир туманидан учтадан энг яхши деб топилган бизнес лойиҳа вилоят босқичига тавсия қилинди. Туман босқичларига 1717 нафар ва вилоят босқичларига 579 нафар ёшлар тавсия этилди.

Республика босқичига эса ҳудуддан 6 тадан лойиҳа, жами 82 нафар ёш тадбиркор қизларнинг истиқболли режалари «Тадбиркор қизнинг энг яхши лойиҳаси – 2017» кўрик-танловининг голибларини аниқлаш ишчи гуруҳида тақдим этилди ва голиблар аниқланди.

Натижаларга кўра, тегишли номинациялар бўйича голиб деб топилган «Қишлоқ хўжалиги соҳасида энг яхши тадбиркор қиз» номинациясида – 26 нафар, «Сервис соҳасида энг яхши тадбиркор қиз» номинациясида – 27 нафар ва «Ишлаб чиқариш соҳасида энг яхши тадбиркор қиз» номинациясида – 29 нафар битирувчи қизлар диплом, тижорат банкларининг имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлари ва эсдалик совғалари билан яқинда Ўзбек Миллий академик драма театрида тақдирланди. Унда тегишли вазирликлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, турли соҳаларда самарали меҳнат қилаётган хотин-қизлар, журналистлар иштирок этиди.

Навий вилояти Қизилтепа агросервис ва транспорт касб-хунар коллежи ўқувчиси Моҳирун Ибрагимова «Қишлоқ хўжалиги соҳасида энг яхши тадбиркор қиз» йўналишида голибликни қўлга киритди:

«Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш мақсадида тузган лойиҳа қўллаб-қувватланганидан мамнунман. Паёпоқ тўққизи йўлга қўйиш бўйича бизнес лойиҳамни ишлаб чиқишда банк мутахассислари, айниқса, ота-онамининг маслаҳатлари кўп келди. Ўз бизнесимни бошлаш учун зарур бўладиган маблағни эса «Агробанк»нинг 35 млн. сўмлик имтиёзли кредити ҳисобига амалга ошираман. Ишлаб чиқариш цехини очиб, 8 та янги иш ўрни яратаман.»

Мухтор ШОНАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Тижорат банкларининг инвестициялар портфелини мониторинг қилиш департаменти бошқарма бошлиги ўринбосари.

ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон – Корея: савдо-иқтисодий ва сармоявий келишувлар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу борада вазирликлар раҳбарлари томонидан шу йил охиригача Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги имтиёзли савдо-сотиқ тўғрисида икки томонлама Келишув тайёрланиши буйича Қўшма ишчи гуруҳининг биринчи учрашувини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ташриф доирасида икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)га қабул қилиниши, хусусан, мазкур ташкилотга аъзо бўлишнинг натижасини баҳолаш, миллий қонунчиликнинг ЖСТ келишувлари талабларига мослиги экспертизаси ҳамда техник, консультатив ва манфаатдор вазирлик ҳамда ташкилотларга мутахассислар кўмагини бериш йўллари орқали Корея Республикасининг қўллаб-қувватлаши буйича меморандум ва Йўл харитаси имзоланди.

Ўзбекистонда ташқи савдодаги ҳамкорликнинг илғор шакллари жорий этиш, ташқи савдо операцияларини ўтказиш ва экспортни рағбатлантириш билан боғлиқ тартиб-қоидаларни энгиллаштириш мақсадида томонлар илғор корейс тажрибаси асосида Ўзбекистон Республикаси электрон савдо Миллий платформасини яратиш тўғрисида келишув тузиб, унинг ижроси юзасидан Йўл харитасини тасдиқлади.

Хусусан, «Узтрейд» АЖ «КИТА» Корейс халқаро савдо ассоциацияси ва «КТNET» билан Ўзбекистон Республикасида электрон савдо-ни ривожлантириш юзасидан ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиши буйича келишувга эришилди, меморандум имзоланди.

Корейс бозорига юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар экспорти ҳажмини ошириш мақсадида Корея саноат технологиялари институти (KITECH) ва Корея нодир металллар институти билан Ўзбекистон Республикасида нодир металллар ва қотишмалар илмий-тадқиқот марказига асос солиш буйича шартнома тузилди.

Мазкур шартнома саноат ишлаб чиқариши, экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва юқори технологиялар ва илғор корейс тажрибасини жорий этишга йўналтирилган икки томонлама музокараларнинг мантиқий давоми бўлди. Сабаби жорий йилда Корея савдо, саноат ва энергетика вазирлиги билан ҳамкорликда Тошкентда Тўқимачилик ўқув-тадқиқот технопарки фойдаланишга топширилган, Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш буйича ўзбек-корейс марказига асос солиш буйича қарор қабул қилинган.

Икки тарафлама товар алмашинуви ҳажмини ошириш ва бозорларимиздаги талаб-гир маҳсулотларнинг тизимли етказилишини ташкил-

лаштириш мақсадида корхоналаримиз томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар намойиши учун доимий фаолият кўрсатувчи «шоурмлар»га эга савдо уйлари очиш борасида ҳам келишувларга эришилди. Мазкур ташаббуснинг амалдаги исботи сифатида «Узтрейд» АЖ томонидан корейс ҳамкорлар билан биргаликда Кореядаги биринчи ўзбек-корейс савдо уйини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шунингдек, экспортга мўлжалланган қатор маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ташкил этиш буйича ҳам ўзро битимлар тузилди. «Hwachon Plant-Gemco» компанияси билан «Фонон» ДИИК (давлат илмий-ишлаб чиқариш корхонаси) худудида қимматбаҳо зеб-зийнат буюмлари ишлаб чиқариш, «AVID Co. Ltd.» билан Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати ҳамда «Seoul Jewelry Industry Cooperative» компанияси билан «Асака» банки ҳамкорлигида қимматбаҳо зеб-зийнат буюмлари ва сотатлар ишлаб чиқарилишини ташкил этиш, «Samsung Steel Co.» компанияси билан «Ўзозиковқатсаноатхолдинг» ҳамкорлигида иссиқхоналар барпо этиш лойиҳалари шулар сирасига киради.

Сўнгги лойиҳа (иссиқхоналар ишлаб чиқариш

ва қуриш соҳасида) буйича Иссиқхона ишлаб чиқарувчилари Консорциуми ва «K&G Plus» компанияси ўртасида ҳамкорлик келишувига эришилди.

Ташриф доирасида ўтказилган ўзбек-корейс бизнес форумининг амалий натижаси сифатида мамлакатларимиз корхоналари ўртасида сархил ва қайта ишланган сабзавот, тўқимачилик ва чарм маҳсулотлари, мис ва бошқа товарларни ўз ичига олган 230 млн. АҚШ долларида зиёд қийматдаги маҳсулотларнинг етказилиши берилишини кўзда тутувчи ўнлаб экспорт шартномалари имзоланди. Кореяга уран етказиб берилиши буйича узоқ муддатли шартнома тузилди.

Маҳаллий сабзавот ва тўқимачилик маҳсулотларини корейс бозорига етказиб бериш тизимини шакллантириш масалалари буйича самарали музокаралар ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси худудида «Korea Trade Network Co. Ltd.», «CJ Freshway», «Heakwang», «CIELIE Co.» ва бошқа қатор шу каби катта логистика марказларини яратиш мақсадида аниқ режалар белгилаб олинди.

Чунончи, «Korean Air» компанияси билан транспорт-логистика, шу жумладан, «Наввий» аэропорти базасидаги халқаро интермодал логистика марказини келажакда янада ривожлантириш ва шу аснода мамлакатлари-

миз ўртасида товар алмашинуви ошишида унинг имкониятларини кенгайтириш хусусида қўшимча вазифалар муҳокама қилинди.

Бизнес форумда Президентимизнинг очик ва самимий нутқи, Корея сармоядорлари билан ўтказган мулоқоти ҳақида Корея Республикаси Бош вазири ўринбосари, стратегия ва молия масалалари вазири Ким Донг Ён ўзининг илиқ фикрларини билдирди:

«Шавкат Мирзиёев нутқининг ижобий қуввати форумнинг ҳар бир иштирокчисини, шу қаторда менга ҳам кўчди. У бизнесда ҳар бир жиҳатни унутмаган ҳолда икки томонга манфаат олиб келувчи ташаббусларни илгари сурмоқда. Ўзбекистон раҳбари Корея бизнес доиралари вакилларига мамлакат инвестицион муҳитида очиклик ва шаффофлик сўзсиз таъминланишини алоҳида таъкидлади.

Ўтган бир йил давомида Ўзбекистондаги иқтисодий, молиявий соҳадаги катта ўзгаришларни кузатмоқдамиз. Ўйлайманки, бугун олий даражада бўлиб ўтган бизнес форум юзлаб инвесторларга янги бизнес фойраларини беради. Улар ўзлари учун Ўзбекистон бозорини янгидан кашф қилишига ишонман. Корея Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий ривожланиш йўлидаги дадил ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди».

Назира МАВЛОНОВА.

ТИФ Миллий банки: навбатдаги муҳим меморандум

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Кредит линияси ҳисобидан қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, тиббиёт, қурилиш материаллари, автосаноат ва бошқа соҳалардаги лойиҳалар молиялаштирилади.

Заём келишуви «кафолатланмаган», яъни ҳукумат кафолати тақдим этилишини кўзда тутмайди.

Таъкидлаш жоиз, юртимиз ишбилармонлари корейлик шेरликлар билан ҳамкорликни кенгайтиришга катта қизиқиш билдирмоқда. Хусусан, бугунги кунда ТИФ Миллий банки мижозлари бўлган 200 дан ортиқ тадбиркорлик субъектлари ўз маблағлари ҳисобидан қўшма корхоналарни ташкил этиб, Жанубий Кореядан юқори технологияли ускуналар харид қилиш учун инвестициялар ҳамда Корея банкларидан кредитларни жалб этган ҳолда, умумий миқдори қарийб 800 млн. АҚШ долларига тенг бўлган лойиҳаларни амалга оширишга тайёр эканликларини билдирмоқда.

Наргуз АҲМЕДОВА.

АВТОМОБИЛСОЗЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Юртимиз автомобиль саноати янада ривожланади

Янги авлод «Chevrolet Tracker» ихчам автомобилни серияли ишлаб чиқаришни ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Автомобиль 1,8 литрли 140 от қучига эга двигатель билан жиҳозланади. 100 км га ёқилғи сарфи 8,1 литрни ташкил қилади. Ишлаб чиқариш тўлиқ технологик цикл (штамплаш, пайвандлаш, бўйаш, йиғиш) буйича амалга оширилади. Автомобилнинг локализация даражаси 50 фоздан ошади.

Бундан ташқари, келишувда «Cobalt» автомобилни янгиллаш ҳам назарда тутилган. Иккала моделнинг серияли ишлаб чиқарилиши ички ва ташқи бозорларда моделнинг жозибадорлигини оширади, «GM Uzbekistan Alliance»нинг ишлаб чиқариш ҳамда экспорт салоҳияти ўсишига ёрдам беради. Лойиҳалар Асака автомобиль заводи негизидан 2019 йилдан ишга туша бошлайди.

Ташриф довомида «Ўзавтосаноат» АЖ мамлакатимизда мотоцикл ва уч гилдиракли юк ташувчи мотороллерларни ишлаб чиқаришни ташкил



этиш буйича ҳам келишувга эришиди. Бу борадаги шартнома Кореядаги етакчи компания «DK Group» билан амалга оширилади.

Умуман, «Ўзавтосаноат» АЖ ва Корея Республикаси автомобиль саноати корхона-

лари ўртасида ўтказилган учрашувлар натижасида умумий қиймати 189,9 млн. АҚШ долларига тенг 7 та битим, савдо-иқтисодий соҳага оид 614 млн. АҚШ доллариллик шартномалар имзоланди.

Юлдуз ЗОКИРОВА.

ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

Тижорат банкларидан кам таъминланган оилалар учун имтиёзли кредитлар

(Давоми. Бошланши 1-бетда).

Кредит олиш тўғрисидаги ариза банк томонидан 3 кун муддатда кўриб чиқилиши ва кредит ажратилиши давомида миждоздан кўшимча тўловлар ундирилмаслиги белгиланган.

Кредит ажратиш юзасидан тижорат банклари филиалларига нисбатан ариза ва шикоятлар мавжуд бўлган тақдирда куйида келтирилган ишонч телефонларига мурожаат қилишингизни сўраймиз.

Юқорда келтирилган Ишчи гуруҳ томонидан шакллантирилган рўйхатга кирувчи кам таъминланган оилалар аъзоси микрокредит олиш учун ўзи яшаб турган туман бўйича бириктирилган банк филиалларига мурожаат қилиши лозим.

Кам таъминланган оилаларга имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича республика туман ва шаҳарларига бириктирилган банк филиаллари тўғрисида маълумот

Table with columns: №, Туман ва шаҳарлар, Бириктирилган банк филиаллари, Банк филиаллари манзили, Ишонч телефонлари (Bank филиали, Марказий банк), Жиззах вилояти, Наманган вилояти, Самарқанд вилояти, Бухоро вилояти. The table lists various banks and their branches across different regions of Uzbekistan, providing contact information for each.

ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

Сирдарё вилояти			
1	Гулистон шаҳри	ЧЭКИ «Намкорбанк» АТБ Гулистон филиали, «Микрокредитбанк» АТБ Сирдарё вилоят филиали	Гулистон ш., Мустақиллик кўч., 121-й Гулистон ш., Бўстон кўч., 30-уй
2	Янгиер шаҳри	«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ Янгиер филиали	Янгиер ш., Ш.Рашидов кўч., 17-уй
3	Ширин шаҳри	«Агробанк» АТБ Ширин филиали	Ширин ш., А.Темур кўч., 9-уй
4	Бобуват тумани	«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ Сирдарё вилоят минтақавий филиали	Гулистон ш., Н.Махмудов кўч., 31-уй
5	Гулистон тумани	«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Сирдарё минтақавий филиали	Гулистон ш., А.Навоий кўч., 48-уй
6	Мирзобод тумани	«Туронбанк» АТБ Гулистон филиали	Гулистон ш., Охунбобоев кўч., 49-уй
7	Оқлотин тумани	ТИФ Миллий банки Сирдарё бўлими	Гулистон ш., А.Навоий кўч., 43-уй
8	Сайхунобод тумани	«Асака» АТБ Сирдарё вилоят филиали	Гулистон ш., Ўзбекистон кўч., 1-уй
9	Сардоба тумани	«Агробанк» АТБ Сардоба филиали	Сардоба тумани, Пахтаобод кўргони, Дустилик кўч., 20-уй
10	Сирдарё тумани	«Микрокредитбанк» АТБ Сирдарё филиали	Сирдарё тумани, Сирдарё ш., А.Навоий кўч., 254-уй
11	Ховос тумани	«Ипотека-банк» АТИБ Сирдарё вилоят филиали	Гулистон ш., А.Навоий кўч., 53-уй
Сурхондарё вилояти			
1	Ангор тумани	«Агробанк» АТБ Ангор филиали	Ангор тумани, Ангор кўргони, АТ-Термизий кўч., 64-уй
2	Бойсун тумани	«Агробанк» АТБ Бойсун филиали	Бойсун тумани, Бойсун ш., Олмазор кўч., 42-уй
3	Денов тумани	ЧЭКИ «Савдогар банк» АТБ Денов филиали	Денов тумани, Денов ш., Мустақиллик кўч., 38-уй
4	Жарқўрган тумани	«Туронбанк» АТБ Термиз филиали	Термиз ш., Ф.Хужавев кўч., 32-уй
5	Музаробат тумани	«Микрокредитбанк» АТБ Музаробат филиали	Музаробат тумани, Халқобод кўргони, Ш.Бобоев кўч., 14-уй
6	Оптінсой тумани	«Агробанк» АТБ Оптінсой филиали	Оптінсой тумани, Мирзо Улугбек кўч., 1-уй
7	Сариосиё тумани	«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Шарғун филиали	Сариосиё тумани, Шарғун ш., Шахтёрлар кўч., 29-уй
8	Термиз тумани	«Агробанк» АТБ Сурхондарё филиали	Термиз ш., А.Навоий кўч., 6а-уй
9	Узун тумани	«Микрокредитбанк» АТБ Узун филиали	Узун тумани, Хотира ва қадрлиқ боғи кўч.
10	Шеробод тумани	ТИФ Миллий банки Шеробод филиали	Шеробод тумани, Шеробод ш., А.Навоий кўч., 20-уй
11	Шўрчи тумани	«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ Шўрчи филиали	Шўрчи тумани, Шўрчи ш., Мустақиллик кўч., 77-уй
12	Қизирқ тумани	«Агробанк» АТБ Қизирқ филиали	Қизирқ тумани, Мустақиллик кўчаси, 3-уй
13	Қумқўрган тумани	ТИФ Миллий банки Қумқўрган филиали	Қумқўрган тумани, Қумқўрган ш., Бегурий кўч., 6-уй
14	Термиз шаҳри	«Ипотека-банк» АТИБ Сурхондарё вилоят филиали, «Асака» АТБ Сурхондарё вилоят филиали	Термиз ш., Қоғирий кўч., 20-А-уй, Термиз ш., А.Навоий кўч., 45-А-уй
Тошкент вилояти			
1	Ангрен шаҳри	«Ипотека-банк» АТИБ Ангрен филиали	Ангрен ш., А.Навоий кўч., 1-уй
2	Олмалиқ шаҳри	«Ипотека-банк» АТИБ Олмалиқ филиали	Олмалиқ ш., Фахрийлар кўч., 27-уй
3	Бекobod шаҳри	ТИФ Миллий банки Бекobod филиали	Бекobod ш., Пешакова кўч., 22-уй
4	Чирчиқ шаҳри	«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Чирчиқ филиали	Чирчиқ ш., Каналларора кўч., 1А-уй
5	Охангарон тумани	«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ Охангарон филиали	Охангарон тумани, Охангарон ш., Холмухамедов кўч., 38-уй
6	Оққўрган тумани	«Агробанк» АТБ Оққўрган филиали	Оққўрган тумани, Оққўрган ш., А.Қодирий кўч., 1-уй
7	Бекobod тумани	«Агробанк» АТБ Бекobod филиали	Бекobod тумани, Зафар кўргони, Гагарин кўч., 15-уй
8	Бўстонлиқ тумани	ТИФ Миллий банки Бўстонлиқ филиали	Бўстонлиқ тумани, Газалкент ш., Олтинсарин кўч., 12-уй
9	Бўка тумани	ЧЭКИ «Савдогар банк» АТБ Бўка филиали	Бўка тумани, Бўка ш., Ўзбекистон кўч., 11-уй
10	Қйраб тумани	«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Қйраб филиали	Қйраб тумани, Қйраб кўргони, Зебинисо кўч., 7-уй
11	Зангиота тумани	ЧЭКИ «Савдогар банк» АТБ Зангиота филиали	Зангиота тумани, Мустақиллик кўч., 4-уй
12	Паркент тумани	«Микрокредитбанк» АТБ Паркент филиали	Паркент тумани, Паркент ш., А.Навоий кўч., 105-уй
13	Покент тумани	«Микрокредитбанк» АТБ Покент филиали	Покент тумани, Покент ш., Мустақиллик кўч., 2-уй
14	Тошкент тумани	«Микрокредитбанк» АТБ Келес филиали	Зангиота тумани, Келес ш., Бинокор кўч., 8-уй
15	Чиноз тумани	ЧЭКИ «Намкорбанк» АТБ Чиноз филиали	Чиноз ш., Ш.Рашидов кўч., 12а-уй
16	Қўйчириқ тумани	«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Тошкент вилоят минтақавий филиали	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абай кўч., 10А-уй
17	Уртачириқ тумани	ТИФ Миллий банки Тўйтепа филиали	Уртачириқ тумани, Тўйтепа ш., Тошкент йўли кўч., 57-уй
18	Юрчириқ тумани	«Агробанк» АТБ Юрчириқ филиали	Юрчириқ тумани, Янгибозор кўргони, Мустақиллик кўч., 106-уй
19	Янгийўл тумани	«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ Янгийўл филиали	Янгийўл тумани, Янгийўл ш., Янгийўл кўч., 28-уй
Фарғона вилояти			
1	Фарғона шаҳри	«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Фарғона минтақавий филиали	Фарғона ш., Қомус кўч., 42-уй
2	Марғилон шаҳри	«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ Марғилон филиали	Марғилон ш., Марғилоний кўч., 173-уй
3	Қувасой шаҳри	ТИФ Миллий банки Қувасой филиали	Қувасой ш., А.Навоий кўч., 2-уй
4	Қўқон шаҳри	«Ипотека-банк» АТИБ	Қўқон ш., А.Навоий кўч., 164-уй
5	Бағдод тумани	«Агробанк» АТБ	Бағдод тумани, Бағдод кўргони, Охунбобоев кўч., 12-уй
6	Бешарик тумани	ТИФ Миллий банки Бешарик филиали	Бешарик тумани, Бешарик ш., Олтин Водий кўч., 111-уй
7	Бувайда тумани	ТИФ Миллий банки Бувайда филиали	Бувайда тумани, Янгиқўрган кўргони, Ҳамаза кўч., 4-уй
8	Дангара тумани	«Агробанк» АТБ Дангара филиали	Дангара тумани, Дангара кўргони, Тошкент кўч., 10-уй
9	Езбон тумани	«Агробанк» АТБ Езбон филиали	Езбон тумани, Езбон кўргони, Андижон кўч., 1-уй
10	Оптиариқ тумани	«Агробанк» АТБ Оптиариқ филиали	Фарғона вилояти, Оптиариқ тумани, Амир Темур кўч., 1-уй
11	Риштон тумани	ТИФ Миллий банки Риштон филиали	Риштон тумани, Риштон ш., Роҳидоний кўч., 253-уй
12	Сўх тумани	«Агробанк» АТБ Сўх филиали	Сўх тумани, Равон а.п., А.Темур кўч., 34-уй
13	Тошлоқ тумани	«Агробанк» АТБ Тошлоқ филиали	Тошлоқ тумани, Тошлоқ кўргони, А.Навоий кўч., 10-уй
14	Учқўприқ тумани	«Агробанк» АТБ Учқўприқ филиали	Учқўприқ тумани, Учқўприқ а.п., Навруз кўч., 16-уй
15	Фарғона тумани	«Агробанк» АТБ Фарғона филиали	Фарғона тумани, Водил кўргони, А.Тошматов кўч., 1-уй
16	Фурқат тумани	«Агробанк» АТБ Фурқат филиали	Фурқат тумани, Навбахор а.п., Иттифок кўч., 1-уй
17	Ўзбекистон тумани	«Агробанк» АТБ Ўзбекистон филиали	Ўзбекистон тумани, Ялпан ш., Жомий кўч., 1-уй
18	Қўштепа тумани	«Агробанк» АТБ Қўштепа филиали	Қўштепа тумани, Лағгар а.п., Ш.Рашидов кўч., 6-уй
19	Қува тумани	«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ Қува филиали	Қува тумани, Қува ш., Қайубоб кўч., 242 А-уй
Хоразм вилояти			
1	Урганч шаҳри	«Асака» АТБ Хоразм вилоят филиали	Урганч ш., А.Баҳождирхон кўч., 184-Б-уй
2	Урганч тумани	«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Хоразм минтақавий филиали	Урганч ш., Янги Урганч кўч., 22-уй
3	Хива шаҳри ва тумани	«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ Хива филиали	Хива шаҳри, Хива ш., Форуз кўч., 87-уй
4	Ҳазорасп тумани	ТИФ Миллий банки Ҳазорасп филиали	Ҳазорасп тумани, Ҳазорасп ш., У.Қослов кўч., 1-А-уй
5	Гурлан тумани	ТИФ Миллий банки Гурлан филиали	Гурлан тумани, Гурлан ш., П.Махмад кўч., 64-уй
6	Шовот тумани	«Микрокредитбанк» АТБ Шовот филиали	Шовот тумани, Шовот кўргони, Туркистон кўч., 79-уй
7	Янгиариқ тумани	«Агробанк» АТБ Янгиариқ филиали	Янгиариқ тумани, Янгиариқ а.п., Урганч кўч., 6-уй
8	Қўшқўприқ тумани	«Агробанк» АТБ Қўшқўприқ филиали	Қўшқўприқ тумани, Қўшқўприқ кўргони, Мустақиллик кўч., 55-уй
9	Богот тумани	«Микрокредитбанк» АТБ Богот филиали	Богот тумани, Богот ш., Урганч кўч., 1-уй
10	Хонқа тумани	ТИФ Миллий банки Хонқа филиали	Хонқа тумани, Хонқа кўргони, Ал-Хоразмий кўч., 2-А-уй
11	Янгибозор тумани	«Агробанк» АТБ Янгибозор филиали	Янгибозор тумани, Янгибозор кўргони, Ж.Мангуберди кўч., 4-уй
Қашқадарё вилояти			
1	Қарши шаҳри	«Асака» АТБ	Қарши ш., Мустақиллик кўч., 32-А-уй
2	Миришкор тумани	«Агробанк» АТБ	Миришкор тумани, Янгимиришкор ш., Мустақиллик кўч., 5-уй
3	Қарши тумани	«Микрокредитбанк» АТБ Бешкент филиали	Қарши тумани, Бешкент ш., Мустақиллик кўч., 27-уй
4	Яккабоғ тумани	«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ Яккабоғ филиали	Яккабоғ тумани, Яккабоғ ш., Фурқат кўч., 2-уй
5	Қамаш тумани	«Микрокредитбанк» АТБ Қамаш филиали	Қамаш тумани, Қамаш ш., Нодира кўч., 18-уй
6	Муборак тумани	«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Муборак филиали	Муборак тумани, Муборак ш., Занжосой кўч., 22-уй
7	Китоб тумани	«Микрокредитбанк» АТБ Китоб филиали	Китоб тумани, Китоб ш., Жўрабеков кўч., 54-уй
8	Қасби тумани	«Агробанк» АТБ Қасби филиали	Қасби тумани, Муғлон а.п., А.Темур кўч., 7-уй
9	Нишон тумани	ТИФ Миллий банки Янги Нишон филиали	Нишон тумани, Янгинишон ш., Қарши-Талимаржон шоссе кўч.
10	Шахрисабз тумани	«Ипак йўли» АИТБ Шахрисабз филиали	Шахрисабз тумани, Шахрисабз ш., Пиллакашлик кўч., 21-уй
11	Шахрисабз шаҳри	«Ипотека-банк» АТИБ Шахрисабз филиали	Шахрисабз тумани, Шахрисабз ш., Ипак йўли кўч., 3-уй
12	Дехқонobod тумани	«Агробанк» АТБ Дехқонobod филиали	Дехқонobod тумани, Қарашина а.п., М.Улугбек кўч., 7-уй
13	Чироқчи тумани	«Агробанк» АТБ Чироқчи филиали	Чироқчи тумани, Чироқчи ш., Охунбобоев кўч., 2-уй
14	Қосон тумани	«Микрокредитбанк» АТБ Қосон филиали	Қосон тумани, Қосон ш., Қосон кўч., 102-уй
15	Ғузор тумани	ТИФ Миллий банки Ғузор филиали	Ғузор тумани, Ғузор ш., Ўзбекистон кўч., 14-уй
Тошкент шаҳри			
1	Бектемир тумани	ТИФ Миллий банки Бектемир филиали	Бектемир тумани, Ҳ.Бойқаро кўч., 15-уй
2	Мирзо Улугбек тумани	«Капиталбанк» АТБ Мирзо Улугбек филиали, «Ипак йўли» АИТБ Мирзо Улугбек филиали	Мирзо Улугбек тумани, Мирзо Улугбек кўч., 52 Б-уй, Мирзо Улугбек тумани, Хамид Олмижон кўч., 5-уй
3	Миробод тумани	«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ Тошкент шаҳар минтақавий филиали, ЧЭКИ «Савдогар банк» АТБ Амелиёт бошқармаси	Миробод тумани, Шахрисабз кўч., 38-уй, Миробод тумани, Сайид Барака кўч., 78-уй
4	Олмазор тумани	ТИФ Миллий банки Олмазор филиали, «Давр-банк» АТБ Олмазор филиали	Олмазор тумани, Ғ.Ғулум кўч., 1-уй, Олмазор тумани, Шимолий Олмазор кўч., 17 Б-уй
5	Сергели тумани	«Асака» АТБ Сергели филиали, «Invest Finance Bank» АТБ Сергели филиали	Сергели тумани, Обихайт кўч., 39-уй, Сергели тумани, Сўғдиёна кўч., 3-уй
6	Учтепа тумани	«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Учтепа филиали, ЧЭКИ «Намкорбанк» АТБ Ал-Хоразмий филиали	Учтепа тумани, Фарход кўч., 3А-уй, Учтепа тумани, Чилонзор-30 кўч., 16А-уй
7	Яшнобод тумани	«Агробанк» АТБ Яшнобод филиали	Яшнобод тумани, 1-тор Алмижон кўч., 5-уй, Яшнобод тумани, Қорасув кўч., 4-уй
8	Чилонзор тумани	«Трастбанк» АТБ Тошкент филиали, «Ипак йўли» АИТБ Чилонзор филиали	Чилонзор тумани, Бунёдкор «Б» квартал кўч., 11-а-уй, Чилонзор тумани, Фарход кўч., 12а-уй
9	Шайхонтоҳур тумани	«Капиталбанк» АТБ Чорсу филиали, «SIA ALLIANCE BANK» Шайхонтоҳур филиали	Шайхонтоҳур тумани, Самарқанд, Дарвоза кўч., 13-уй, Шайхонтоҳур тумани, Шайхонтоҳур кўч., 87А-уй
10	Юнусobod тумани	ТИФ Миллий банки Юнусobod филиали, АТ «Алоқабанк» Амелиёт бошқармаси	Юнусobod тумани, Амир Темур шоҳ кўч., 101-уй, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўч., 4-уй
11	Яккасарой тумани	«Асака» АТБ Тошкент шаҳар филиали, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Ракат филиали	Яккасарой тумани, А.Қаҳқор кўч., 73-уй, Яккасарой тумани, Шоҳжон кўч., 2А-уй

БУГУННИНГ МАВЗУСИ

Онлайн назорат-касса машиналари нақд пул тушумининг мақбул ечими

Бугунги кунда назорат-касса машиналари савдо ва барча тоифадаги хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларининг қонуний фаолият юртишида зарур восита ҳисобланади. Президентимизнинг 2017 йил 29 сентябрдаги «Фискал хотиралар назорат-касса машиналарини қўллаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини ушбу йўналишдаги ишлар сифатини янада юксалтириш, ҳисоб-китобни тезкор амалга ошириш ва тизим назорат функциясини такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Чилонзор тумани ҳоқимиятида Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармасининг ташаббусига кўра савдо ва хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари билан солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари, солиқ соҳасидаги янгиликлар ва соҳага оид ҳуқуқий ҳужжатларга киририлган ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишлаб ташкил этилган семинарда айтиш шул хусусида сўз юритилди. Унда Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси, туман ҳоқимлиги ва тижорат банклари вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, Қарорга асосан 2018 йилнинг январидан бошлаб Тошкент, Нукус шаҳарлари ҳамда вилоятлар марказларида 500 тадан 1000 тагача бўлган онлайн назорат-касса машиналари тажриба-синов тариқасида амалиётга жорий этилади. 2018 йилнинг 1 июлидан ушбу ҳудудлардаги юридик шахслар, 2018 йилнинг 1 декабридан бошлаб эса, барча юридик ва жисмоний шахслар товарларни реализация қилиш, ишларни бажариш ҳамда хизматлар кўрсатишда аҳоли билан нақд пулдаги ҳисоб-китобларни мажбурий тарзда фақат онлайн назорат-касса машиналарини қўллаган ҳолда амалга оширишга бошқичма-бошқич ўтказилади.

– Мазкур Қарорнинг ижроси асосида касса чекидаги маълумотларни давлат солиқ хизмати органларига автоматик тарзда онлайн узатиб бориш тизими йўлга қўйилади, – дейди Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармасининг Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш бўлими бошлиғи Баҳодир Қодиров. – Натижада республикада марказлашган тарзда электрон маълумотлар базаси яратила-

ди ва назорат-касса машиналаридан фойдаланмаётган савдо шохобчалари онлайн аниқланиб, тезкор чоралар кўриш имконияти яратилади. Шунингдек, онлайн назорат-касса машинаси орқали харидорларга берилган чеклар ҳақидаги маълумотларни қасддан ўзгартириш, тушум суммасини камайтириш, рўйхатдан ўтмаган назорат-касса машинасидан фойдаланиш, бузиш ёки иккиламчи бухгалтерия юритиш каби салбий ҳолатларга чек қўйилади.

– Тадбиркорлик субъектлари учун тўғридан-тўғри мулоқотсиз кўрсатиладиган электрон хизматларнинг кенг доирада йўлга қўйилаётгани аҳоли билан пуллик ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини тўлақонли татбиқ этиш ва бу йўналишдаги ишларни янги бошқичага кўтариш борасидаги амалий савий-ҳаракатларимиз самарасидир, – дейди Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармасининг Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими бошлиғи Баҳром Шамсутдинов. – Бу орқали тадбиркорлик субъектларининг нақд пул тушуми билан боғлиқ фаолиятига аралаштириш ҳамда турли назорат тадбирларининг ўтказилиши камаюди. Энг муҳими, бундай янгиликларнинг иқтисодий ва барқарорлиги, аҳоли турмуш фаровонлиги ва манфаатлари ҳимояланишига хизмат қилади.

Семинарда соҳага оид қонун ҳужжатларига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида маълумотлар берилди. Амалга оширилаётган ишлар, учраётган муаммолар ҳамда йўл қўйилаётган камчиликлар танқидий ва таҳлилий жиҳатдан кўриб чиқилиб, атрофлича муҳокама этилди.

Жасур МИРЗАЕВ.

Пул ўтказмалари учун тўлов пластик карталардан қабул қилинмоқда

Бу ҳақда «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамиятининг расмий сайти – pochta.uzда хабар берилмоқда.

Хизмат аҳолининг талаб ва истакларидан келиб чиқиб йўлга қўйилди. Маълум қилинишича, ҳозирги кунда почта алоқаси бўлимларида халқаро пул ўтказмалари учун пул маблағлари қабули нақд пул билан бир қаторда банк плас-

тик карталари орқали Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғизистон, Украина, Беларусь, Молдова, Озарбайжон ва Арманистон давлатларига жўнатиш учун амалга оширилмоқда.

Ширин БАЙСЕНОВА.

БИРЖА

Биржада электрон савдолар авжида

Бугун электрон савдоларни ташкил этиш ва уни амалга оширишда «Ўзбекистон Республикаси товар-хонашэ биржаси» (ЎЗРТХБ) акциядорлик жамиятининг муҳим ўрни бор.



Жамияти айтиш кунда узлуқсиз равишда биржанинг бош савдо платформасини такомиллаштириш ҳамда иқтисодийнинг турли соҳа ва тармоқларида шаффофлик ва рақобатга асосланган аукцион савдолар моделини жорий этиш ишларини изчил олиб бормоқда. Яқинда Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган анжуманда ана шу хусусида сўз борди. «ЎЗРТХБда биржа савдолари ҳамда электрон тижоратнинг замонавий ҳолати ва ривожланиши истиқболлари» мавзусида доирасида ўтказилган тадбирдан кўзланган асосий мақсад – кенг жамоатчиликни ЎЗРТХБ электрон савдоларининг сўнгги натижалари ҳамда биржанинг яқин келажакдаги истиқболли ривожланиш режалари билан таништиришдан иборат бўлди.

Таъкидлаш кераки, айтиш кунда ЎЗРТХБ томонидан биржа савдоларининг шаффофлигини ошириш, бозор нархларининг шаклланиш механизмини такомиллаштириш, биржанинг логистика тизимини яратиш ҳамда биржада амалга оширилаётган турли операция ва бизнес жа-

1,4 трлн. сўмгача кўтарилди. Интернет тармоғи орқали амалга оширилган харидларнинг катта қисми машинасозлик маҳсулотлари (22 фоиз), қурилиш моллари (20 фоиз), кимё саноати маҳсулотлари (15 фоиз) ва истеъмол товарларига (10 фоиз) тўғри келди.

Бундан ташқари, анжуманда авторақамларни сотиш бўйича янги савдо платформасининг ишга туширилиши туфайли жисмоний шахслар биржадаги электрон савдоларда фаол қатнашаётгани ҳақида сўз юритилди. Бу жараёнда барча мижозлар рўйхатдан ўтишидан тортиб, то битимни тузишгача бўлган барча операция ва транзакциялар ЎЗРТХБнинг avtoraqam.uzex.uz веб-сайти ва мобиль иловасидаги шахсий кабинетига амалга оширилаётгани таъкидланди.

– Ўтган даврда онлайн аукционлар орқали сотилган 684 авторақамнинг қиймати 14,4 млрд. сўмдан ошди, – дейди Ўзбекистон Республикаси товар-хонашэ биржаси акциядорлик жамияти мутахассиси Жасур Юнусов. «Аvtоraqam» электрон тизимида ҳар куни ўртача 10 та битим тузилмоқда. Харидорларнинг таркибий тузилмасида етакчи ўринни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти автоҳаваскорлари эгалламоқда. Кейинги ўринларда Фарғона, Самарқанд, Хоразм, Андижон, Наманган ва Сирдарё вилоятлари харидорлари жойлашган.

Шунингдек, анжуманда биржада электрон тижоратни янада ривожлантириш мақсадида яқин келажакда аукцион савдоларда сотилаётган товарларнинг номенклатураси кенгайтирилиши, ярмарка савдоларида кафолатлаш механизмлари жорий этилиши ҳақида ҳам маълумот берилди.

Бобур МУҲАММАДИЕВ.

раёнларни автоматлаштириш бўйича таклифлар иш-лаб чиқилди. Шунингдек, замонавий IT-технологияларни қўллаш ва янги савдо услубларини жорий этиш орқали тадбиркорлар ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектларининг биржа бозорларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ишлари режалаштирилган.

– 2017 йилнинг 10 ойи мобайнида ЎЗРТХБда 11,4 трлн. сўмлик битимлар тузилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 16 фоиз кўпдир, – дейди ЎЗРТХБ АЖ Бош маклери Исом Ибрагимов. – Биржада рўйхатдан ўтган янги мижозларнинг сони 20 фоизга кўпайиб, 7,6 мингтани ташкил этди. Биржа савдоларининг ҳажми 19 фоизга, яъни 9,1 трлн. сўмгача ўсди. Ўз навбатида, биржа савдоларида бозор нархларининг шаклланиши эвазига сотувчи корхоналар 3,3 трлн. сўмлик қўшимча даромад олди. Шунингдек, тадбиркорлар биржа орқали 5,7 трлн. сўмлик товар ресурсларини харид қилиб, ўзларининг 2,3 трлн. сўмлик маҳсулотини сотдилар. Ярмарка савдоларининг ҳажми эса 2016 йилнинг 10 ойига нисбатан 16 фоизга, яъни

БИЗНЕС ЖАРАЁНЛАР

КЎРГАЗМАЛАР

«UzAgroExpo – 2017» ҳамда
«UzProdExpo – 2017» намоёйиши

«Ўзэкспомарказ»да кишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатига ихтисослаштирилган халқаро кўргазмалар бўлиб ўтди.



ҳамда Голландиянинг «Van der ploed international B.V» компаниялари стендлари кўпчилик эътиборини тортди.

Кўргазмаларда мамлакатимиз компаниялари умумий экспозициянинг 40 фоизини эгаллади.

«UzProdExpo – 2017» кўргазмаси ўз номига кўра, озиқ-овқат ва уларни қайта ишлаш саноатининг барча тармоқларини ўзида жамлади.

Унинг экспозициясида озиқ-овқат бозорлари, йирик савдо марказлари, омборхона эгаларига дўкон ва супермаркетларни «тайёр ҳолда топшириш» автоматлаштирилган тизимлари, мева-сабзавот омборлари, сархиллаш ва қадоқлаш марказлари, музлатиш камералари учун усуналар, совутиш қурилмалари, шунингдек, озиқ-овқат ва уларнинг кўшимчалари ўрин олди.

– Ёғ-мой ишлаб чиқаришга ихтисослашган компаниямиз юртингиз ишбилармонлари билан 4 йилдан буён ҳамкорлик қилади, – дейди Хитойнинг «Huatai» компанияси савдо менежери Гуо Вей Денг. – Кўргазмада келгусидаги режаларимизга ойдинлик киритдик. Бунда 2018 йилда Ўзбекистонда ёғ ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лойиҳаси энг муҳими саналади.


Кўргазмалар доирасида «Ўзбекистонда ёнғоқчиликни ривожлантириш» ҳамда «Кишлоқ хўжалигида ва озиқ-овқат саноатига самарали бизнес юритиш учун Новосибирск вилоятининг илғор компанияларидан технологиялар» мавзуларида илмий-амалий семинар ўтказилди. Унда боғдорчилик, сабзавотчилик ва асаларчиликда янги технологияларни ўзлаштириш масаласи муҳокама қилинди.

– Бугунги кунда ассоциациямиз томонидан маҳаллий иқлим шароитимизга мослаштирилган ёнғоқ, бодом, pista ва зайтуннинг замонавий плантацияларини яратиш дастури ишлаб чиқилди, – дейди Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар ассоциацияси вакили Илём Ҳайдаров. – Унинг асосида Самарқанд вилояти Жомбой туманида 500 гектарлик ёнғоқзор барпо этилди. Айни пайтда шунингдек, Сурхондарё, Жиззах вилоятларида ҳам ерлар тайёрланмоқда. 2018 йилдан бошлаб махсус лабораторияларда янги ёнғоқ навларини клонлаштириш бошланиши кўзда тутилган.

Гулшан ЮСУПОВА.

Суғуртада маркетинг масаласи

«Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясида муассаса фаолияти ва таклиф этилаётган суғурта маҳсулотлари тўғрисида маълумотларнинг кенг жамоатчиликка етказилишини тақомиллаштириш, шунингдек, хизматлар сифатини ошириш юзасидан амалий таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида «Суғуртада маркетинг» мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.



Барча савдо ва хизмат кўрсатувчи корхоналарда бўлгани каби суғурта компаниялари учун ҳам улар фаолияти ҳамда таклиф этилаётган хизматлар моҳиятини ўз мижозларига тушунарли тарзда қулай етказиш муҳим ҳисобланади. Бунинг учун истеъмолчилар ўртасида мавжуд муаммоларни ўрганиб, ишни шундан келиб чиққан ҳолда ташкил қилиш талаб этилади.

Амалий семинарда таъкидланганидек, суғурта бозорини таҳлил қилиш, рақобатдош хизматларни ишлаб чиқишнинг аҳамияти катта. Суғурта компаниялари фаолияти маркетинг режаси билан ўзаро яқиндан боғланган бўлиши лозим. Бугунги кунда суғурта бозорига рақобат муҳитининг фаоллашуви натижасида халқаро стандарт-

ларга мос суғурта турлари ишлаб чиқилиб, хизмат кўрсатиш сифати юқори даражага кўтарилмоқда. Суғурта бозори инфратузилмаси ҳам ривожланиб, йилдан-йилга унинг профессионал иштирокчилари сони ортиб бормоқда.

Тадбир давомида иштирокчиларга суғурта соҳасида ишни намунали ташкил этиш, мижозлар билан ишлашда индивидуал ёндашиш, улар билан қайта алоқаларни мустақамлаш каби мавзуларда маҳорат дарслари ташкил этилди.

Шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитида ташкилотлар томонидан ишлаб чиқарилаётган ёки таклиф этилаётган хизматлар рақобатдошлигини таъминлаш юзасидан амалий тавсиялар берилди.

Эъзоз КАМОЛОВА.

Халқаро эътироф

«Кафолат суғурта компанияси» акциядорлик жамияти «Fitch ratings» халқаро рейтинг агентлиги рейтингига эга бўлди.

Бунда агентлик суғурта компанияси фаолиятини «В+» даражасида баҳолаб, истиқболи «Барқарор» дея қайд этди.

«Fitch ratings» экспертлари мазкур муассасани сифатлар экан, унинг юқори даражадаги молиявий салоҳияти, хусусан, капитали етарлилигини, актив кўрсаткичлари сифатини, фойда олишининг юқорилигини таъкидлаб, Ўзбекистон суғурта бозорини ривожлантиришга муносиб улуш қўшаётганини тасдиқлади.

Айтиш лозимки, мазкур халқаро даражадаги рейтинг «Кафолат суғурта компанияси» учун янги хорижий инвестицияларни жалб

этиш, халқаро молия институтлари билан истиқболли ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш ҳамда мижозлари ишончини янада оширишга хизмат қилади.

Маълумот. «Кафолат суғурта компанияси» АЖ республикамиз суғурта бозори иштирокчиларининг энг юқори ТОП бешталиги қаторида туради. Жорий йилнинг 9 ойи давомида компания томонидан мажбурий ҳамда ихтиёрий суғурта турлари бўйича жами йиғилган суғурта мукофотлари ҳажми 55,3 млрд. сўмни ташкил этди. Ушбу даврда унинг қайта суғурталашга берилган жавобгарлиги 9,1 трлн. сўмга етиб, кирувчи қайта суғурталаш бўйича олган жавобгарлиги 8,3 трлн. сўмни ташкил қилди.

Ширин БАЙСЕНОВА.

КЕЛАЖАК ТЕХНОЛОГИЯСИ

Хавфсизлиги таъминланган инновацион карта

Хакерларга тўла, паст даражали киберхимоя ҳамда содда пароллар мужассамлашган бугунги замонда маблағимизнинг ҳимояланганлигига амин бўлиш учун мукамал банк карталари талаб этилмоқда.

Айнан «Da Vinci Choice» номли келажакнинг инновацион картаси Австралия йирик банклар гуруҳининг собиқ хавфсизлик бўлими раҳбари Саймон Хьюитт томонидан ихтиро қилинди, деб ёзади rsm7.com сайты.

Янги карта компьютер вазифасини бажариб, паролларга бўлган эҳтиёжни бартараф этди ва тўлов соҳасининг трансформациясига олиб келади.

Бир қарашда «Da Vinci Choice» ҳамёнингиздаги бош-

қа банк пластик карталаридан фарқ қилмайди, у ҳам пластик карталар каби юпқа ва пластикдан тайёрланган. Бироқ, уни ўгиришингиз билан афзаллиги ва қиймати намоён бўлади: карта мини-компьютер бўлиб, кичкина экран ва клавиатурадан иборат.

Картадан фойдаланиш учун ягона «Da Vinci» PIN-коднинг териш ва маблағ ечиб олинадиган картани танлаш лозим. «Da Vinci» карталарига аввал сизда бўлган бошқа барча карталарни улаш им-

конияти мавжуд. Уланган карта номи экранда намоён бўлганидан сўнг транзакцияни амалга ошириш учун «Da Vinci» картасини контактсиз ҳисоблаш усунаси яқинида ушлаб туриш керак.

Катта ҳажмдаги тўловларни амалга ошириш (ёки банкоматдан катта миқдордаги нақд пулни ечиб олиш) учун «Da Vinci» картаси экранда вақтинчалик бир марталик PIN-код пайдо бўлади. Бу эса фирибгарлик эҳтимолини камайтиради. «Da Vinci Choice» 2018 йилдан сотувага чиқарилади ва унинг нархи тахминан 75 фунт стерлингга тенг бўлади.

Бобур САТТОРОВ.

Реклама



O'zbekiston
Asalarichilari
Uyushmasi

ASAL BAYRAMI

2017-yil 1-10 dekabr

KO'RGAZMA SAVDO MARKAZI
Toshkent shahri, Shayxontohur tumani,
Beruniy ko'chasi, 41. Mo'ljal: Beruniy metro bekati.

Хизматлар лицензияланган.

ОБУНА-2018

Обуначилар диққатига!

- Обунани фақат «Банк ахборотномаси» газетаси билан шартнома тузган дистрибьютор-ташкilotлар орқали расмийлаштиринг.
- Тахририят бугунги кунда куйидагилар билан шартнома имзолаган:

ТАРКАТУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР:

- ▶ «Ўзбекистон почтаси»;
- ▶ «Матбуот тарқатувчи» агентликлари.

ХУСУСИЙ КОМПАНИЯЛАР:

- ▶ «Matbuot Service» МЧЖ;
- ▶ «Inform Pochta» МЧЖ;
- ▶ «Kaleon Inform» МЧЖ;
- ▶ «Sayyor Pochta» МЧЖ;
- ▶ «Matbuotchi» МЧЖ;
- ▶ «Global Impax Solutions» МЧЖ;
- ▶ «Модерн экспресс» МЧЖ.

- Қулай бўлиши учун сиз нашримизнинг расмий сайти – www.banknews.uz дан тўғридан-тўғри обуна шартномасининг имзоланган шаклини юклаб олишингиз ва тўлдириб, тахририятимиз манзилига юборишингиз мумкин.

ОБУНА КАМПАНИЯСИ-2018 ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Обуна индекси – 102.

Обуна бўйича
мурожаат учун:

Тел.: (998 71) 232-45-32,

(998 71) 233-45-16.

Факс: (998 71) 232-43-98.

E-mail: info@banknews.uz



**БОЗОРНИ
ТЎЛАҚОНЛИ
ИДРОК ЭТИШ
ИМКОНИЯТИ**

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

«Norma Hamkor» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

А.Н. НАЗАРОВ

Нашр учун масъул

З.М. ЭРНАЗАРОВА

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

ДИРЕКТОР

Р.Л. ВАЛИЕВ

Газета тахририятнинг техник
ускуналарида саҳифаланди.

АХБОРОТ КЎМАГИ

ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАО

ТАХРИРИЯТ МАЗИЛИ:

100060, Тошкент ш.,
Шахрисабз кўчаси, 23-уй.

e-mail: info@banknews.uz,

www.banknews.uz

Реклама ва эълонлар учун
232-45-32 телефони
орқали мурожаат қилинг.

Факс: 232-43-98.

Нашр индекси – 102.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат бериллади. Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтада бир марта пайшанба кўни чиқади.

Буюртма № г 1189.

Адади 4752 нуска.

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳајмада, 4 шартли босма табоқда чоп этилди.

Босишга рухсат этилди: 29.11.2017 й., 9.00.